



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 9-sentabr, shanba № 72 (9033)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқаруvinинг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, айрим ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг замонавий талабларга жавоб бермайдиган институционал асослари ва улар фаолиятининг принциплари ўтказилаётган ислохотларни тўлиқ рўйбга чиқаришга ҳамда қўйилган мақсадларга эришишга тўқтинлик қилмоқда.

Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривож-

лантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўқтинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

**Биринчидан**, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти;

**Иккинчидан**, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг тақорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**Учинчидан**, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўқтин-


лик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти;

**Тўртинчидан**, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

**Бешинчидан**, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

**Олтинчидан**, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

(Давоми 2-бетда.)



## БУЮК ЙЎЛБОШЧИГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАМИЗ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига мамлакатимиз Биринчи Президенти хотирасини ёд этиш ҳамда «My First President» — «Менин Биринчи Президентим» деб номланган инглиз тилидаги иншолар тўпламининг тақдими муносабати билан тадбир ўтказилди.

Университет ректори Ф.Раҳимов, Биринчи Президентимизнинг турмуш ўртоғи Татьяна Каримова ва бошқалар Ислоҳ Каримов билан боғлиқ хотираларини ёдга олди. Мустақиллигимиз меъмори Биринчи Президентимизнинг фидойилик, ватанпарварлик, адолатпарварлик, самимийлик, меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлари барчамиз, айниқса, ёшлар учун ёрқин ибрат намунаси экани таъкидланди.

Ислоҳ Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа, Ислоҳ Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилган «My First President» инглиз тилидаги иншолар танловида мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди. Танлов комиссияси томонидан 500 дан зиёд иншо кўриб чиқилиб, уларнинг 36 таси тўпламга киритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фотоқўرғазма ташкил этилди, «Биринчи Президент ва ёшлар» деб номланган видеоролик намойиш этилди.

Танлов ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

Г.САТТОРОВА,  
ЎЗА муҳбири

## Миллий қадриятлар намоиши

Пойтахтимизда «O'zbekit» миллий қадриятлар фестивали бўлиб ўтди. «Milliy» телеканали ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда кенг жамоатчилик ва дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 16-бетда.)



Газетани орақлаганда:

Илм-фан ривожини тараққиётнинг муҳим омили

7-бет

Пунктуация ва тежамкорлик

8-9-бетлар

Ковул — оёқ остидаги хазина

10-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**еттинчидан**, бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнига тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

**саккинчидан**, хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган эскирган тармок бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

**тўққизинчидан**, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотихорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаётти;

**ўнинчидан**, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизми ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

**ўн биринчидан**, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган тизимли муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўйб-га чиқариш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси** амалга ошириш бўйича **"Йўл харитаси"** (кейинги ўринларда **"Йўл харитаси"** деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйдагилар давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

**а)** қуйдагиларни назарда тутувчи **ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш:**

ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва худудий бўлиналари ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш; ижро этувчи ҳокимият органлари,

уларнинг тузилмалари ва бўлиналари оптималлаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақилигини ошириш;

**"Электрон ҳукумат"** тизимини янада кенг жорий этиш; давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш; маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

**б)** қуйдагиларни назарда тутган ҳолда, **ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизmlарини ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнини такомиллаштириш;**

ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш, ишониб топширилган тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш;

давлат ва худудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда худудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролинни кучайтириш;

мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш;

**"ақли тартибга солиш"** моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартиштирилган услубиётини жорий этиш;

айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш;

ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш;

ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакл ва механизмларидан кенг фойдаланиш;

**в)** қуйдагиларни назарда тутган ҳолда, **иқтисодий тармокларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқаруving бозор механизмларини кенгайтириш:**

энг зарур иқтисодиёт тармоклари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда бошқарув тизимини такомиллаштириш;

иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда нодавлат нотихорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва

институционал базасини такомиллаштириш;

айрим давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларни хусусий секторга ўтказиш;

**г)** қуйдагиларни назарда тутган ҳолда, **вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизmlарини такомиллаштириш:**

давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўйб-га чиқарилишини таъминлаш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролинни ва фаолият самарадорлигини ошириш;

**д)** қуйдагиларни назарда тутган ҳолда, **давлат бошқаруви тизими-га стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологияларини жорий этиш:**

стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш ҳамда давлат бошқарувининг инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий шакллари жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион гоғлар ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

табиати муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

**е)** қуйдагиларни назарда тутган ҳолда, **профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш:**

давлат хизмати, давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг махсус таълим йўналишларини ташкил этиш масалаларини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг муносиб шароитларини яратиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятда шаффофлик ва очикликни таъминлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

3. **Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси** амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 3-иловага мувофиқ таркибда;

Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш юзасидан танқидий

ўрганиш ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳлар деб юритилади) 4-иловага мувофиқ таркибларда ташкил этилсин.

4. Комиссия (А.Н.Арипов) бир hafta муддатда Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш юзасидан танқидий ўрганиш ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва **"Йўл харитаси"**ни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, «давра суҳбатлари» ва пресс-конференциялар ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва **"Йўл харитаси"**нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:**

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва **"Йўл харитаси"**нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижаларини тўғрисида ахборот киритсин.

6. **Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.**

7. **Ўзбекистон Республикасининг** Ташқи ишлар вазирлиги зарурат бўлганда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакиллари жалб қилган ҳолда давлат бошқаруви соҳасида илгор хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиятини ўрганишини ташкил этишда Комиссияга, ишчи гуруҳларга қўмақлашсин.

8. Белгилансинки, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** девонини хизматлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, ишчи гуруҳлар раҳбарлари мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш **Ўзбекистон Республикасининг** Бош вазирини А.Н.Арипов, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** давлат маслаҳатчилари У.С.Исмоилов, О.Б.Муродов ва **Ўзбекистон Республикасининг** Бош прокурорини И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 8 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA MA'MUURIY ISLOHOTLAR KONCEPCIYASI

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) мувофиқ, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ва либераллаштириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний баргикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш давлат ва жамиятни модернизация қилишнинг муҳим мақсадлари этиб белгиланди.

Ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шarti амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўйбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ва самарали ҳал қиладиган давлат бошқаруви тизимининг аниқ фаолият кўрсатиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили ва аҳоли билан мулоқот натижалари давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) фаолиятини ташкил этишда ислохотларни тўлиқ рўйбга чиқаришга тўқунлик қилувчи жиҳдда камчиликларнинг сақланиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламайпти. Ижро этувчи ҳокимият органлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар) ҳуқуқий мақоминаб айрим ҳолатларда аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги уларнинг давлат аппаратидаги аниқ ўрни ва ролини аниқлаш имконини бермапти; айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг тақрирлангани ва давлат томонидан ортқича тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан уларга хос бўлмаган функцияларнинг бажарилиши, шунингдек, сезиларли даражада квазидавлат секторнинг (ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари) мавжудлиги иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг давлат томонидан ҳаддан ташқари тартибга солинишига олиб келмоқда;

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўқунлик қиладиган тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва bartaraf этишни таъминламайпти. Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган кўплаб идоралараро коллегиял органларнинг (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар)

мавжудлиги ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг суъайишига олиб келмоқда;

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу аксарият ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳаларининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас; давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

Бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермапти, шунингдек, давлат бошқарувини ортқича бюрократлаштириш ва унинг юқори сарф-ҳаражатларининг сабаби ҳисобланади;

Ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва ҳўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган, эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асосиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўқунлик қилмоқда;

Ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чеклайди ҳамда оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламайди;

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг қучсиз механизмига ҳаддан ташқари бюрократизмга ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда. Давлат хизматларини кўрсатиш даражаси аҳоли ва бизнеснинг истак ва талабларига жавоб бермапти, давлат бошқаруви тизими бўлган ишонччи ошириш имконини бермапти;

Айрим раҳбарларда лозим даражада масъулия ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳалда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда. Давлат хизматининг унификацияланган ҳуқуқий асослари, давлат хизматларининг мақомини белгиловчи ягона нормалар, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари шакллантирилмаганлиги давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермапти;

Ижро этувчи ҳокимият органлари ҳодимларини ижтимоий-моддий

ҳимоя қилишнинг паст даражада эканлиги, юклатилган жавобгарлик даражасининг улар ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ келмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот жамғармасини шакллантиришнинг ягона принциплари мавжуд эмаслиги малакали кадрларнинг давлат хизматидан чиқиб кетиши ҳамда коррупциявий ҳолатлар, давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурсларнинг адолатсиз ва номуносиб тақсимланиши учун шариот яратмоқда.

Давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликлар жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига лозим даражада муносиб таъминот билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодий таъминот билдириш, оқибатда эса одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш имконини бермапти.

Шу муносибат билан қуйидаги асосий йўналишларни назарда тутувчи Маъмурий ислохотлар концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади:

**1. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.**

Ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг маъмурий аппарат, бюджет юкмаси асосиз ошиши ва давлат бошқарувини бюрократлаштиришнинг олдини олишга қаратилган аниқ мезонлар ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш.

Реал эҳтиёж, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсирга йўл қўймастик, республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги номуносибликни bartaraf этиш, шунингдек, кадрлар ва моддий ресурсларнинг тўғри тақсимланишини таъминлашнинг ҳисобга олган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш.

Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли департаментлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобига бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши учун уларнинг мустақиллиги ҳамда жавобгарлигини ошириш.

Маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш, ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишининг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида "Электрон ҳукумат" тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш.

Қуйидагилар орқали давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш:

"ягона дарча", шу жумладан, идоравий марказлар негизда жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш;

барча давлат хизматларини тар-

тибга солиш, уларни ягона реестрга киритиш;

давлат хизматлари кўрсатишда ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан идоралараро ҳамкорлик орқали олиш лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг рўйхатини белгилаш ва bosqichma-bosqich кенгайтириш.

Ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори туровчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоаларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш.

**II. Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмларини ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш.**

Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ва жавобгарлик соҳасини белгилаш, ҳар бир вазифа ва функцияни амалга ошириш механизмларини белгилайдиган, шу жумладан, ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда регламентларни жорий этиш.

Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали ишини ташкил этиш ва кучларини сафарбар этиш, шунингдек, тор идоравий ёндашув ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти девони — Вазирлар Маҳкамаси — республика давлат бошқаруви органлари — таркибий ва ҳудудий бўлинмалар — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари" таъсирчан тизимини жорий этиш.

Тегишли ваколатларни аниқ давлат органларига ўтказиш ва уларга қабул қилинаётган қарорларнинг натижаси учун жавобгарлигини юклаган орқали давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиял органларни (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) тубдан қисқартириш.

Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жойлардаги долзарб муаммоларни комплекс ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш.

Мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, дастурий бюджетлаштириш ва вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципаи янги тизимини жорий этиш.

(Давоми 4-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

**6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг таъсирини лозим даражада баҳолашдан қабул қилишга йўл қўймаслик**, шунингдек, коллизия нормалар, икки хил шарҳлаш, коррупция кўринишлари ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларига олиб келувчи **идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини босқичма-босқич бартараф этишни** назарда тутувчи "ақлли тартибга солиш" моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этишти.

7. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мавҳуд муаммоларнинг оқибатларига қарши курашишга эмас, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш ва ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш орқали тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш.

8. Ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш.

9. Ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминлайдиган жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шакллари (виртуал қабулхоналар, "ишонч телефонлари") кенг жорий этиш.

**III. Иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқаришиш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш.**

1. Энг зарур иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (санот, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашуви билан бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш.

2. Хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектларга эскилусив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш.

3. Иқтисодий фаолиятда, энг аввало, давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари ваколатларини, уларнинг иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, давлат активларини бошқариш тизимининг молиявий шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларини бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш соҳаларида давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш.

4. Назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини («Ўздавнефтеинспекция», «Ўздавэнергоназорат» ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги ҳўжалик бошқаруви органлари («Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш.

5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини (таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, коммунал хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси) ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга ҳамда бюджет харажатларини камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш.

6. Лицензиялаш, сертифицилаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш. Айни вақтда давлат назоратининг ортиқча маъмурий чораларини (лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари), шу жумладан, уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий сугурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш.

**IV. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш.**

1. Республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини, шу жумладан, маҳаллий бюджетга солиқ ажратмаларини қўпайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ солиш базасини кенгайтиришдан манфаатдорлигини кучайтириш орқали кенгайтириш.

3. Ҳокимият маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта қўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши таъминлаш амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, аynиқса, халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлиналари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш.

5. Тегишли ваколатларни ҳокимга босқичма-босқич ўтказиш орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

6. Келгусида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш.

7. Ижтимоий-иқтисодий ривожла-

нишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш.

**V. Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш.**

1. Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш.

2. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш.

3. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб қилиш, уларни янада ривожлантиришни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш.

4. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини, шу жумладан, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопаркларни ташкил этиш орқали яратиш.

5. Табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, шу жумладан, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни ривожлантириш, сувлани тозалаш ҳамда чўчкаштиришнинг замонавий шакллари кенгайтириш, ундан оқилона фойдаланиш орқали кенг жорий этиш.

**VI. Профессонал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини кўпайтиришга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.**

1. Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда ягона давлат кадрлар сисёатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органини ташкил этиш.

3. Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш.

4. Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзга келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотнинг замонавий тизимини яратиш.

5. Ижро этувчи ҳокимият органла-

ри фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш.

7. Иш вақти ва моддий-ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш.

**VII. Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишидан қутилаётган натижалар.**

1. Қутилаётган ислохотларнинг тулик амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қолдирилган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали: ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш; давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасаитириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш; иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишанчлик фаолигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўришилларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг қаноатланиш даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

«Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш.

Маъмурий ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя ҳаётга тулик таъбиқ этилиши лозим.

2017-yil 9-sentabr, № 72 (9033)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармониغا шарҳ

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқинида кенг қўлдамли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бoshқаруvinинг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишнинг талаб қилади.

Шу муносабат билан мамлакатда давлат бoshқаруvinи тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун электрон порталлар ва маълумотлар базалари яратилди.

Хусусан, рўхсат берувчи ҳужжатлар ва лицензия олишни соддалаштириш учун [www.license.gov.uz](http://www.license.gov.uz), "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш таъминлаш учун [birdarcha.uz](http://birdarcha.uz) веб-сайтлари яратилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш натижасида тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари 4 мартага, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқага қадар қисқартирилди.

Шу билан бирга, сўнгги йилда амалга оширилган кенг қўлдамли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бoshқаруvinи органлари фаолияти, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга ақтиёж вужудга келганлигини кўрсатди.

Бу, биринчи навбатда, қуйидаги ҳолатларга тааллуқлидир:

- бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эга-лиги ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги;

- фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистика тўплашдан иборат бўлиб қолган фаолиятни баҳолашнинг самарасиз тизими ва бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

- ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келувчи давлат функцияларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги;

- бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга олиб келаётган инновацион ривожланишнинг паст даражаси;

- ҳўжалик бoshқаруvinи органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва ҳўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи имтиёз ва преференцияларни танлаб тақдим этиш амалиёти;

- ҳудудларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги.

Ушбу камчиликлар иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармон 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Респуб-

ликсини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият курилишида янги саҳифани очиб беради.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бoshқаруvinи тизимини тубдан ислох қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди.

**Биринчи йўналиш** ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутди:

- ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

- кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларини оптималлаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;
- давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва "Электрон ҳукумат" тизимини янада кенг жорий этиш;
- маъмурий адлияни ривожлантириш ва мурожаатларни коллегиял эшитишни жорий қилиш.

**Иккинчи йўналиш** ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан қуйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилади:

- ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш;

- мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципал янги тизимини жорий қилиш;

- халқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилаётган, шу жумладан, сифат менежмент, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг каби ишни ташкил этишнинг замонавий услубларидан фойдаланиш;

- ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари жорий этиш.

**Учинчи йўналиш** иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бoshқаруvinинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда қуйидагилар режалаштирилмоқда:

- хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги давлат корхоналарини қайта ташкил этиш;

- иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;
- айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш.

**Тўртинчи йўналиш**да, жумладан, қуйидагилар орқали вертикал бoshқаруvin тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тutilган:

- давлат бoshқаруvinи босқичма-босқич номарказлаштириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш;

- ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

**Бешинчи йўналиш** давлат бoshқаруvinи тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион гоёлар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

- давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бoshқаруvinинг инновацион шакллари жорий этиш;
- инновацион гоёлар ва технологияларни ишлаб чиқишга инвестицияларни фаол жалб этиш;
- замонавий илмий-тадқиқот ва инновацион ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш;

- табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

Ва ниҳоят, сўнгги **олтинчи йўналиш**да профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатish белгиланган. Уларга эришиш учун қуйидагилар режалаштирилган:

- давлат хизматининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш, аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш;
- давлат хизматларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотнинг замонавий тизимини киритиш орқали уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш.

Бундан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси нормаларини амалий рўёбга чиқариш бўйича 40 дан ортқ аниқ тadbирларни назарда тутувчи "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия ҳамда давлат бoshқаруvin тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислох қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Комиссия ишчи гуруҳлар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этади, шунингдек, Маъмурий ислохотлар концепцияси ва "Йўл харитаси"нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат олиб боради.

Шу билан бир қаторда, Комиссияга давлат бoshқаруvin тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислох қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқлаш вазифалари юклатилди, унга асосан 100 дан ортқ давлат ва ҳўжалик бoshқаруvinи органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш режалаштирилди.

Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган.

1. Қутилаётган ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бoshқаруvin тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали яратиш:

- ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, тақрорлаш ва параллелизмин тугатиш ҳисобига давлат бoshқаруvin тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

- давлат бoshқаруvinи бюрократиздан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бoshқаруvin қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

- стратегик режалаштириш, инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

- иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бoshқаруvinинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

- жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Ҳўқорлар ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг қаноатланганлик даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали янада ошириш:

- давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

- "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;
- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳўқуқ-тартибни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тutilган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденцияларини ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бoshқаруvin тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган улуғвор гоёни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

## Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Ёзувчилар уюшмасида Ватанimiz мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Бугунинг нафаси» номли китоб тақдироти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 3 август кuni мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувда юртимизда кечаётган улкан бунёдкорлик ишлари кўлами, шиддатли ўзгаришлар жараёнини ҳаётий, жонли тарзда акс эттириш барча ижодкорлар, жумладан, қалам аҳлининг ҳам бурчи эканини таъкидлаган эди.

Бу борадаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ёзувчилар уюшмаси томонидан қисқа вақт ичнда «Бугунинг нафаси» номли очерк, эссе ва бадиий публицистик мақолалар тўғлами тайёрланиб, нашр этилди. Китобдан юртимиздаги оламшумул янгиликлар, бунёдкорликлар ва айни чоғда замонамиз ҳақрамонлигининг ҳаётий, орзуинтилишлари, уларнинг маънавий ҳаётида юз бераётган ҳаётбахш эвришилар ҳақидаги мақола, очерк, бадиалар ўрин олган.

Иқбол Мирзо, Махмуд Тоир, Энаҳон Сиддиқова, Саъдулла Ҳақимов, Аҳмаджон Мелибоев, Сайид Умиров, Мирғўлат Мирзо, Мурод Абдуллаев, Шухрат Ризаев, Уктаб Мирзаев, Шарифа Салимова каби ижодкорларнинг бадиий публицистик мақолалари долзарблиги ва жозибали тилда экани билан диққатга сазовор. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда яшаб, ижод қилаётган адиблар, истеъдодли ёш ижодкорларнинг мақолалари ҳам китоб мундарижасини бойитган.

❖ **Хива шаҳридаги «Ичанқальа» давлат музей-кўрковнасида «Рақс сеҳри» халқаро фестивали бошланди.**

Фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан рақс гуруҳлари ва ансамбллари билан бирга, қатор хорижий давлатлардан келган санъаткорлар ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадбир юртимизда рақс ва хореография санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, миллий рақс санъатимизни кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

— Мен Хивада биринчи марта бўлишим, — дейди испаниялик сайёх Эва Алменар Ллоренс. — Эртангамо бу шаҳар менга жуда ёқди. Айниқса, рақс фестивалининг очилиш маросимида Хоразм рақсларини кўриб, ҳайратим янада ортди, шундай рақси бор халққа ҳавас қилдим.

Фестиваль доирасида рақс усталари томонидан мастер-класслар намойиш этилиб, ижодий учрашувлар, фольклор гуруҳлари ва ансамбллари чикишлари, анимацион шоулар, саҳналаштирилган томошалар, кўғирчоқ театрлари томошаси, хунармандлар кўргазмаси, миллий тасмолар ва миллий либослар кўргазмаси, миллий халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, тасвирив ва амалий санъат кўргазмаси ҳамда «Ўзбекистон рақс санъати тарихи» фото-кўргазмаси ўтказилди.

❖ **Фанлар академиясида «Академик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, ёш тадқиқотчилар, хорижлик олимлар иштирок этди.

— Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий фан билан шуғуллана бошлаган вақтда математика фанининг ўзбек тилидаги терминологияси йўқ эди. У киши жуда катта матонат билан мактаб, олий таълим дарслиқларига ўзбек тили терминологиясини киритди, дарслиқлар яратди. — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси В.Романовский номидаги математика институти директори, академик Шавкат Аюпов. — Яхшидан боғ қолади, деганларидек, академик олим яшаган уй ҳам булган илм-фан ўчоғига айланган. Бу уй домланинг фарзандлари ташаббуси билан «Академик Қори-Ниёзий мероси» номидаги илмий-методик марказга айлантирилган. Бу ерда ёш олимларимиз, талаба-ёшлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тажриба алмашиб, билимларини мустаҳкамлаб боради. Шу маънода домланинг хизматларини барчамиз юксак қадрлаймиз, у киши қолдирган илмий меросни янада сайқал топтириш йўлида астойдил хизмат қиламиз.

Анжуманда Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий илмий мероси ҳақида маърузалар қилинди. Академик олим хотиралари битилган, унинг ҳаёт йўли акс этган «Оруз билан ёритилган йўл» китоби тақдироти бўлиб ўтди, «Давр каби тақдир» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

❖ **Бухорода болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотларининг анжумани ўтказилди.**

— Бу йил дам олдириш мавсумига пухта ҳозирлик қўрилган эди, — дейди вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ф.Сафаров. — Вобект туманидаги собиқ «Йўлдош» оромгоҳи неғизда «Порлоқ келажак» оромгоҳи янгидан қурилди. Шунингдек, «Ёш алоқачи», «Ёш қувреччи», «Мовий гулхан» оромгоҳлари таъмирланди, қатор масканлардаги шароитлар янада яхшиланди. Умуман, мавсумда шаҳар ташқарисидagi 16 оромгоҳда 6 минг 958 нафар, мактаблар қошидаги 128 кундаги оромгоҳда 11 миңдан зиёд бола дам олдирилди. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида барча оромгоҳларда кутубхона, тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, турли маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди.

Тадбирда мавсум давомида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, фаол ташкилотчилар, намунали деб топилган оромгоҳлар ва ходимлар рағбатлантирилди.

«Порлоқ келажак» оромгоҳи энг намунали болалар оромгоҳи деб эътироф этилди.

**ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

## Барчаси ёш авлод учун

❖ **Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 4-мактабга-ча таълим муассасаси мукамал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди.**



Муассасанинг очилиш маросимида мамлакатимизда ёш авлодининг жиҳмонан соғлом ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаш учун барча шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Муассаса юмшоқ ва қаттиқ мебеллар жамламаси, болалар

учун махсус кроватлар, тиббий асбоб-ускуналар, муסיқий асбоблар, турли ўйинчоқ ва бошқа зарур жиҳозлар билан улғайиши, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаш учун барча шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Мукамал таъмирдан сўнг бу ерда қўшимча 30 иш ўрни яратилди, — дейди мактабга-ча

таълим муассасаси мудираси Саида Юсупова. — Тарбиячи ва энгалар ёш авлодга замон талаблари асосида таълим-тарбия бериши учун барча шароит яратилди. 70 ўринли муассасамизда кичкинтойлар рус ва инглиз тилларидан ҳам сабоқ олади.

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабга-ча таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятдаги 151 мактабга-ча таълим муассасасининг 9 тасида мукамал таъмирлаш, 5 тасида реконструкция ишларини амалга ошириш мақсадида 8 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилган. Жорий йилнинг ўтган даврида пудратчи ташкилотлар томонидан ушбу объектларда 7 миллиард 100 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф.Мирзаев сўзга чиқди.

**А.ҚАЙОМОВ,  
ЎЗА мухбири**

## Театр саҳнасига бир нигоҳ

❖ **Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театрида «Бугунги ўзбек муסיқали театр санъати: ютуқлар, муаммо ва ечимлар» мавзусида тадбирот анжумани бўлиб ўтди.**

Муסיқали театрнинг янги мавсуми очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда театр ижодий жамоалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган театр директори Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов Президентимизнинг ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувда театр санъатининг бугунги ҳолати ҳақида айтган фикрлари, муסיқали театрнинг ўзига хос томонлари, ёш касбларга қаратилган эътибор ва яқинда Қирғизистонга қилинган муваффақиятга гастроль сафари ҳақида гапирди.

Очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтган учрашув баҳс-мунозараларга уланиб кетди. Соҳада йиғилиб қолган муаммолар тилга олинди. Эришилаётган ютуқлар кўздан кетма кетайтирилди, оммавий тарғиботнинг яхши йўлга қўйилмагани ҳақида томонлар ўз фикрларини билдирди.

Шу кuni муסיқали театрнинг 79-мавсуми миллий драматургиямизнинг шоҳ асарларидан бири бўлган «Тоҳир ва Зухро» муסיқали драмаси билан очилди. Бундан ташқари, мавсумнинг биринчи ўттиз кунлиги доирасида «Уйғониш», «Осмондаги хулқарим», «Осмонга сиймаган қуш», «Лайли ва Мажнун», «Олиффа», «Биз соғинган қўшиқлар», «Дилдаги доғ» ва бошқа спектакллар саҳнага қўйилиши режалаштирилган.

**Сухроб ЗИЁ**

## Янги монография —

**тарихга қизиқувчилар учун ажойиб тўхфа**

❖ **Пойтахтимиздаги «Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуасида тарих фанлари доктори, профессор Раҳмон Фармонов ва Музаъямхон Фармонова муаллифлигидаги «Амир Темур Кўрағон ва император Наполеон» номли монографиянинг тақдироти бўлиб ўтди.**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда профессор-ўқитувчилар, тарихчилар, сиёсатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва талабалар иштирок этди.

«Тамаддун» нашриётида чоп этилган мазкур монографияда асосий эътибор қийсий таҳлил орқали бу икки буюк тарихий шахс фаолиятининг янги қир-

раларини очиб беришга қаратилган.

— Китобда Амир Темур ва Наполеон Бонапарт ҳақидаги бошқа кўплаб манбаларда учрамайдиган маълумотларга дуч келдим, — дейди сиёсий фанлар доктори Қодир Жўраев. — Унда нафақат икки улуг' сиймонинг шaxси, балки, тарихий хизматлари, истеъдоди ва саркардалик маҳорати қийсланади, таҳлил этилади. Бу жиҳат-

ларнинг барчаси тарихий фактлар ва ишончли манбалар асосида, раван ва содда тилда акс эттирилган. Энг муҳими, монография китобхонда тарихга янада қизиқиш ва тарихий сиймонларга ҳурмат ҳиссини уйғотади.

Тақдиротда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига талабалари томонидан «Амир Темур ва император Наполеон ўғитлари» номли саҳна кўриниши намойиш этилди. Шунингдек, ёш истеъдодлар ижросидаги ўзбек мумтоз муסיқаларидан намуналар барчада илиқ таассурот қолдирди.

**Шоҳсанам МАХМУДОВА**

## Хунармандлар билан мулоқот

❖ **Пойтахтимиздаги Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида «Хунарманд» уюшмаси ташаббуси билан «Миллий хунармандчиликни ёшлар ўртасида тарғиб қилишда «устоз-шоғирд» мактабларининг ўрни» мавзусида тадбир ташкил этилди.**

Республика «Хунарманд» уюшмаси томонидан мамлакатимизда хунармандчилик ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, ёш хунармандларга эркин фаолият юритиши учун шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, миллий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, яратилган бадиий ижод намуналарини нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам намойиш этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Мулоқотда Ёшлар иттифоқининг етакчилари, Ўзбекистон халқ усталари, «устоз-шоғирд» мактабларида таҳсил олиб, хунар ўрганган ёш хунарманд-

лар, коллеж ўқувчиси ва ўқувчилари иштирок этди. Коллеж ўқувчилари ва ёш хунармандларнинг ижодий ишлари кўргазмаси, маҳорат сабоқлари ўтказилди. Кўргазмада ёғоч ўймакорлиги, мини-атора, зардулик, заргарлик, миллий либослар, кулолчилик каби йиғирмадан ортик йўналишлардаги амалий санъат маҳсулотлари намойиш этилди.

— Мамлакатимизда фаолият юритаётган хунармандларнинг 20 мингга яқини уюшмамиз аъзоси ҳисобланади, — дейди «Хунарманд» уюшмаси раҳбари Ақобир Ҳақимов. — Ўтган йиллар давомида уюшмамиз ташаббуси билан 5 мингга яқин хунарманд ўз устаханаларида «устоз-шоғирд» мактабларини ташкил этди. Натихада 12 мингга яқин ёш хунар сирларини ўрганди.

Тадбирда ёшларни қизиқтирган саволларга му- тахассислар жавоб берди.

**Гулноза БОБОЕВА,  
ЎЗА мухбири**

2017-yil 9-sentabr, № 72 (9033)

# ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида 7 сентябрь кuni "Табий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси" мавзусида XII халқаро симпозиум бошланди.**

Академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг 60 йиллик юбилейига бағиш-лаб ташкил этилган ушбу анжуманда манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари вакиллари, Ўзбекистон, Россия, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Покистон каби 10 дан ортқ мамлакатдан илмий ва илмий-ишлаб чиқариш марказларининг етакчи олим ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоасига йўлаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти И.Абдурахмонов, Ўсимлик моддалари кимёси институти директори Ш.Саъдуллаев, Россия Фанлар академияси академиги М.Юнусов, Қозоғистон Республикаси Миллий Фанлар академияси академиги С.Адекенов ва бошқалар мазкур аънавий форум илм-фан соҳасини барқарор ривожлантириш, илмий ишланмаларни яратиш ва иқтисодийётнинг реал секторига жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда илм-фаннинг бошқа йўналишлари қатори Ўсимлик моддалари кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида ҳам ўзига хос илмий мактаб шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти Марказий Осиёдаги табиий бирикмалар кимёсини ўрганиш, улардан дори воситалари ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун кимёвий препаратлар яратиш, соҳада фундаментал ва амалий изланишлар олиб боришга ахти-

сослашган энг йирик илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади.

Институт жамоасининг кўп йиллик изланишлари тufайли мамлакатимиз ўсимлик дунёсида тиббиётда қўллаш мумкин бўлган, алкалоидлар, терпеноидлар ва фенол бирикмаларини сақловчи 600 га яқин, эфир мойлари сақловчи 250га яқин ўсимлик тури аниқланган. Тадқиқотлар натижасида 3 мингга яқин бирикма ажратиб олинган, 10 мингдан ортқ янги бирикма синтез қилинган. 2 мингдан ортқ бирикманинг фармакологияси ва токсикологияси ўрганилган, 60 дори воситаси синовдан ўтказилиб, улардан 35 таси тиббиётга татбиқ этилган.

Мустақиллик йилларида 500 дан ортқ ўсимлик тури ўрганилиб, улардан 1 минг 200 дан зиёд модда ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 12 проантоцианидин, 70 дан ортқ флавоноид, 20 га яқин кумарин, 27 дитерпен ва тритерпен гликозидлар, 15 фитостероидлар, 4 иридоидлар тузилиши исботланган. 5 мингдан ортқ гетероциклик бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг фаоллиги ўрганилган. Гетероциклик бирикмаларнинг модификацияси имкониятларини кенгайтирувчи ассиметрик марказлар яратиш услублари ишлаб чиқилди.

Бунинг натижасида 110 дан ортқ ишланмага патент олинган ва уларнинг 41 таси амалиётда қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда институт қошидаги тажриба ишлаб чиқариш корхонасида 20 дан ортқ дори воситаси субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, йилига 100 тонна ўсимлик хомашёси қайта ишланмоқда.

Илмий изланишлар самарасида фенасал, галантамин гидробромид, медамин, альбендазол, цитизин, кукумадин препаратлари ва ИФА тест-системаларининг айрим турлари бўйича импорт ўрни тўлиқ қопланди. Институт олимлари томонидан яратилган аллапинин дори воситаси Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Ушбу дори ишлаб чиққан муаллифлар гуруҳи

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасида биринчи даражали давлат мукофотига сазовор бўлган.

2016 йилда ўтказилган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Халқаро интеллектуал мулк ташкилотининг «Энг яхши ихтиро ҳамда унинг коммерциализацияси учун» олтин медали "Антиаритмик фаолликка эга воситани олиш усули" патенти учун Ўсимлик моддалари кимёси институтига топширилди.

— Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси даволаш хусусиятига эга ўсимлик турларига жуда бой, — дейди Хитой Фанлар академияси Синьцзян физика ва кимё техника институти директори ўринбосари, профессор Ҳожиакбар Айсано. — Мамлакатингизда ушбу имкониятдан самарали фойдаланиш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўсимлик моддалари кимёси институти биологик фаол табиий ва синтетик бирикмаларни ўрганиш ва улардан дори воситалари ва кимёвий препаратлар ишлаб чиқишда дунёда етакчи ўринда туради. Мазкур халқаро симпозиум олимлар учун ўзаро тажриба алмашиш, янги тадқиқотларни намойиш қилиш ва илм-фан олдига қўйилган долзарб йўналишларни муҳокама этишда қўлай имконият бўлди.

— 1993 йилда Туркиянинг Анadolу университети қошидаги Шифобахш ва хушбўй ўсимликлар ҳамда дорилар маркази билан ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ўртасида илмий ҳамкорлик, мутахассислар алмашиш ва табиий бирикмалар кимёси бўйича симпозиумлар ташкил этиш мақсадида меморандум имзоланган, — дейди Яқин Шарқ университетининг фармацевтика факультети департамент директори, профессор Ҳусну Жан Басер (Туркия). — Ушбу келишувга мувофиқ халқаро симпозиум 1994 йилдан бундан хар икки йилда бир марота-

ба Ўзбекистон ва Туркияда, 2011 йилдан бошлаб Хитойда ҳам ўтказиб келинмоқда. Мамлакатингизда нуфузли анжуманга юксак савияда тайёрларлик кўрилган. Жорий йилда анжуман учун дунёнинг кўплаб давлатлари олимларининг 50 дан ортқ маърузаси танлаб олинган. Бу фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантириш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратиш, инновацион фикрлаш қобилиятига эга янги авлод кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилги симпозиум табиий бирикмалар ва уларнинг ҳосиллари кимёси, биологияси ва технологияси, табиий асосга эга дори воситаларини яратиш каби йўналишларда ўтказилмоқда. Анжуманда табиий бирикмаларни ўрганиш борасида эришилган ютуқлар ва соҳа истиқболлари, экохудоудда илм-фан, технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш, Марказий Осиё доривор ўсимликларидан дитерпеноид бирикмаларнинг изоляцияси ва биологик фаоллиги, Кипр хушбўй ўсимликлари ва эфир мойлари, ўсимлик маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш, аънавий Хитой дори-дармонларидан тайёрланган биоактив табиий бирикмалар, нагилкатон Вининг атеросклерозга таъсири каби мавзулар муҳокама қилинди.

Симпозиум доирасида «Куйи молекулари биорегуляторлар», «Дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар» ва «Табиий бирикмалар кимёси» мавзусидаги шўъба мажлисларида олимларнинг маърузалари тингланади ҳамда стендлар намойиш этилади. Халқаро симпозиум якунида ёш мутахассисларни тайёрлаш усуллари ва илмий-амалий ечилларининг ривожланиш йўллари белгиланади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусхўжаев иштирок этди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
ЎЗА мухбири

## ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**Пойтахтимизда Ўзбекистон — Россия неврологлари биринчи форуми иш бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган форум асаб касалликларини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва уни даволаш усуллари, соҳада илгор технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев ва бошқалар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида тибб ислохотлар амалга оширилаётганини, касалликлар профилактикаси ва даволашда дунёнинг илгор тиббий муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётгани ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон неврологлари асаб тизими билан боғлиқ барча турдаги хасталикларга тиббий ёрдам кўрсатаётди. Юқори малакали шифокорлар томонидан мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Мазкур жараёнда янги технологияларнинг қўлланилаётгани даволаш самарадорлигини оширмоқда.

Хорижнинг илгор клиникалари билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилаётганини Ўзбекистонда неврология со-

ҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимиз шифокорларининг хорижлик ҳамкасблари билан доимий тажриба алмашиш орқали тиббиётдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этишдаги замонавий ёндашувлардан хабардорлигини оширмоқда.

— Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган янгилашлар, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган чоратadbirlar, хусусан, ёш кадрлар малакасини ошириш, касалликни аниқлаш ва ташхис қўйишда янги технологияларнинг жорий этиш борасидаги ташаббусларга гувоҳ бўлдик, — дейди Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети профессори Анатолий Федин. — Мазкур форум икки давлат ўртасида ўзаро тажриба алмашинувини янада фаоллаштириш имконини бермоқда, тиббиётнинг ушбу соҳасини ривожлантириш ва шифокорларнинг замонавий даволаш усулларида хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон, Россия ҳамда Украина шифокорлари иштирокида тақдиротлар ўтказилиб, йигирмадан ортқ маърузалар тирланди.

Ўзбекистон — Россия невро-

логлари биринчи форуми Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида хорижий давлатлардан келган етакчи олимлар иштирокидаги маҳорат дарслари тарзида давом этади.

\*\*\*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Россия ва Ўзбекистоннинг йирик тиббиёт марказлари ўртасида, жумладан, А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги миллий илмий-амалий маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани маҳаллий шифокорлар учун мунтазам тажриба алмашиш имконини бермоқда. Бунинг натижасида маҳаллий мутахассислар юқори технологияга асосланган энг мураккаб кардиокаррохлик амалиётларини муваффақият-ли амалга ошириш имконига эга бўлишатири.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказига юрак-қон томири тизимида мураккаб жаррохлик амалиётини ўтказиш имконини берадиган "каришстоз" ускунаси келтирилди. Германияда ишлаб чиқарилган ушбу аппарат МДХ давлатларида ягона бўлиб, унда жаррохлик амалиётини ўтказган бемор эртасигаёқ мустақил юриши мумкин.



Ушбу ускуна ёрдамидagi биринчи жаррохлик амалиёти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг бир гуруҳ олимлари ҳамда Россиянинг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги миллий илмий-амалий маркази профессори Игорь Сигаев ва профессор Баҳодир Собиров иштирокида тугма юрак нуқсони билан огриган беморда ўтказилди.

— Россиялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда биринчи жаррохлик амалиётини муваффақият-ли ўтди, — дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази кардиожар-

рохлик бўлими бош жарроҳи Рустам Ербеков. — Қайд этиш керак, бундай мураккаб операциялар санокли давлатларда ўтказилади.

Шу кун Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ҳам бир гуруҳ россиялик мутахассислар томонидан урология соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболига бағишланган анжуман ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари иштирокида Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида тиббий кўриқлар бўлиб ўтди.

**Улугбек ШОНАЗАРОВ,**  
ЎЗА мухбири

# Пунктуация ва тежамкорлик

2017-yil 9-sentabr, № 72 (9033)



Siz nima deysiz?

Хар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи, ўзлиги, маданий-маънавий олами, миллий ғоясининг асосидир. Бундан муайян маънода тилшунослигимизнинг тиниш ишоралари бўлими (пунктуация) ҳам ислох-талаб экани англашилади. Негаки, бузун қўлланилатган 10 та тиниш белгисининг бари рус тилидан олинган. Улар тилимизда асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан акс эта борди. Бу даврга қадар қўлаёмаларда (араб графикасида ёзилган) бузунгидек шакл ва мазмундаги тиниш белгилари қўлланилган эмас. Бу эса мазкур масалани назарий тадқиқ этиб, амалий тавсиялар бериб борилишини тақозо қиларди.

Бироқ кейинги 30—35 йил ичида тиниш белгиларини қўллаш қоидалари айтарли қайта кўриб чиқилган эмас. Ундан кейин ҳам бу борада ижобий ўзгаришлар бўлмади. Бундан шу нарса аён бўладики, муस्ताмлакачилик тўзуми даврида тиниш белгиларини ўзбек тили хусусиятига мослаш масаласига деярли эътибор берилмаган. Амалда улар рус тилида қандай бўлса, ўзбек тилида ҳам шундай қўлланиб келинган. Бошқача айтганда, пунктуация қонун-қоидалари рус тилидан айнан кўчирилиб, халқ тилига татбиқ қилинди. Бу “жараён” юрти-мизда олиб борилган мустамлакачилик сиёсати таъсирида истиқлолчак давом этди.

Муस्ताқилликка эришган, мазкур масалага муносабат ўзгарди. Профессор К.Назаров: “Тиниш белгиларининг қўлланилиши, маъноси ва вазифаси миллийdir”, деб ёзди. Бинобарин, пунктуацияни ислох қилиш учун ўзбек адабий тилининг миллий руҳига асосланган қурилиш, тўзилиши қандай эканини аниқлаш даркор. Умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В.Хумболт таълимотига кўра, тил руҳий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, миллат (қардош халқлар оиласи) руҳияти билан узвий боғлиқ. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун битта феълнинг ўзагини тўртта тилда қиёслаб кўрайлик: *кр’— чита — les — ўқи*. Араб тилида ўзақ учта ундошдан иборат бўлиб, на луғавий, на грамматик маъно билдирарди. Унга унли қўшилса (*қара’а — ўқиди*), бирданига луғавий ва бир нечта грамматик маъно (ўтган замон, III шахс; бирлик ва ҳоказо) намоён бўларди. Рус тилида феълнинг ўзаги фақат луғавий (аташ) маъно англатади. Грамматик маъно ифодаланиши учун кўшимча қўшилиши лозим бўлади. Бу маънонинг лозим бўлиши учун қўшимча қўшилиши лозим бўлади. Бу маънонинг лозим бўлиши учун қўшимча қўшилиши лозим бўлади.

Тежамкорлик арабча ва ўзбекча отнинг ўзагига ҳам хос. Бундай от иккала тилда ҳам бирлик, кўplik ва умумийлик маъноларига бета-раф. Нутқда улардан қайси бири унон қўлайлик бўлса, ўша намоён бўлади: 1) мин ба-бин ва:ҳидатин — бир дарвозадан; 2) нафарун минал жинни — бир гуруҳ жин; 3) су:ратул нахли — Асалари су:раси. Учала мисолда ҳам ҳар иккала тилда отнинг ўзаги қўлланилган, аммо қўлай восити ёрдамида биринчи мисолда кўplik ифодаланмоқда, учинчи мисолда эса отнинг

сарлавҳада келганлиги унда умумийлик маъносининг намоён бўлишига қўлайлик туғдирмоқда. Бинобарин, араб тилида кўplik қўшимчаси, ўзбек тилида -лар тежалган. Русча қолигга тақлид қилинса, иккинчи ва учинчи мисолда -лар ишлатилади.

**Тежамкорлик** шахс, эгаллик каби категориялар маънолар; кўшимча, сўз, бирикма, гап ва матн қисмларига ҳам ҳосилгидан араб ва ўзбек тиллари қурилишининг бош хусусиятини шундай деб атаймиш. Шунга кўра, нутқ (матн, жумла, гап, бирикма, изофа, ибора, мақол ва ҳоказо)да тиниш белгиларини тежаб ишлатишимиз тўғри бўлади. Қолаверса, айни бир оилга мансуб тилларда тиниш белгиларининг қўлланилиши доираси фаркланади. Мисол учун, рус тилида ва Бириктирив боғловчиси (и) содда гапларни боғлаганда, ундан олдин вергул, нуқтали вергул ёки чизик қўйилади. Немис тилида у (*und*) содда гапларни бириктирганда ундан олдин вергул қўйилади. Рус ва немис тилларида *что* (*dass*) эргаштирувчи боғловчисида олдин вергул қўйилади, инглиз тилида қўйилмайди ва ҳоказо.

Ўзбек адабий тилида гап тузилиши, оҳанги, ўрғунинг ҳам славян ва герман тилларидаги ифодадан муайян фарқи бор. Ўзбек тилида гапнинг фонетик қисм(синтагма)га бўлиниши ёки улар орасидаги тўхталиш(пауза) ҳам мазкур тилларга мос келмайди. Оҳанг ва ургуда ҳам шундай.

**Рус, немис, айниқса, инглиз тилида оҳанг тошдан тошга урилиб оқувчи жилган эслатса, ўзбек тилида сокин оқувчи сойга ўхшайди. Рус тилида ургу бўғиндан бўғинга кўчиб юрса, немис тилида бош ва иккинчи даражали ургу мавжуд бўлиб, ургули бўғиндаги зарб ургусиз бўғиндан кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида ургунинг ўрни асосан турғун бўлиб, ургули ва ургусиз бўғиндаги зарб кескин ахрალიб турмайди... Пунктуацияни ислох этишда ана шулар инобатга олинмоғи даркор.**

XX асрнинг иккинчи ярмидан илмий адабиётлар, сўнгра дарслик ва қўлланима-

ларда ҳам энг йирик синтактик бирлик гап эмас, матн деб атала бошланди (проф. Е. Шендельс, 1979; проф. О.Москальская, 1981). Бу синтактик бирлик макроматн (Grotext) ва микроматн (Kleintext) деб икки турга ажратилади. Макроматн деганда йирик бадиий, илмий, публицистик ва ҳоказо асар, ҳикоя, мақола кабилар назарда тутилади. Микроматн деганда эса, одатда, мазмунан ва синтактик жиҳатдан ўзаро боғланган икки ва ундан ортик гап тушунилади. Шунга кўра, ўзбек тилшунослигида кўчирма гапли жумла (проф. А.Нурмахонова, 1966); кўчирма гапли конструкция (акад. М.Асқарова, 1976; проф. А.Абдуллаев, 1978); кўчирма гапли кўшма гап (проф. Н.Махмудов, 1995; 2015) деб аталадиган синтактик бирикми микроматн деб атаса бўлади. Энди мазкур микроматнда тиниш белгиларининг амалда қўлланилиши ва тежамкорлик хусусида фикр юртамиз.

**1. — Жуда тўғри қилибсан, — деб унинг сўзини бўлди чол** (Н. Сафаров). Ушбу микроматннинг биринчи қисми кўчирма хабар, иккинчи қисми хабар манбаи (муаллиф гапи)дир. Иккала қисмини боғлаш учун боғловчи (*деб*) қўлланилган. Тежамкорликка қисман риоя қилиниб кўштирок тежалган. Тежамкорликка тўла риоя қилинса, боғловчи қўлланилганга учун вергул тежаллади, чизик (тире) ҳам ишлатилмайди. Негаки, улар тушириб қолдирилса ҳам, матннинг кўчирма хабар экани англашаверади: *Жуда тўғри қилибсан деб унинг сўзини бўлди чол*.

Куйидаги матннинг биринчи қисми билвосита, иккинчиси бевосита буйруқдан иборат: “Йигитларни, сувчиларни чаққон олиб борсин”, — деб буюрди Маҳкамов (Ойбек). Билвосита буйруқ морфологик восита (*-син*), бевосита буйруқ эса луғавий восита (*буюрди*) ёрдамида ифодаланган. Тежамкорликка тўла риоя қилинса, уч хил тиниш белгиси (кўштирок, вергул, чизик) тежаллади. Шунда ҳам матн мазмунини ўзгармайди: *Йигитларни, сувчиларни чаққон олиб борсин деб буюрди Маҳкамов*.

“Кўрсат ҳокимингни бизга!” — деб хитоб қилди йигитлардан бири (Фафур Фулом). Ушбу матннинг биринчи қисмида кўчирма-буйруқ сўзловчи қис-ҳаяжонига йўғрилган. Шунинг учун ундов қўйилган.

Уни тежаса бўлади. Ушанда ҳам сўзловчининг субъектив муносабати гап бўлақларининг тартиби ва ундаги сўзларнинг маъносидан англашаверади. Бундан ташқари, кўштирок ва чизик ҳам тежаллади: *Кўрсат ҳокимингни бизга деб хитоб қилди йигитлардан бири*.

Куйидаги матнда кўштирок тежалган: — Яна қандай хизмат бор? — деб сўради хушмўйлов йигит (Х.Фулом). Матннинг иккала қисмида ҳам сўроқ маъноси сўз (*қандай, сўради*) орқали ифода этилган. Шу сабабли тиниш ишоралари(*сўроқ белгиси ва чизик*)ни тежаса бўлади: *Яна қандай хизмат бор деб сўради хушмўйлов йигит*.

**2. Кўчирма хабар** (буйруқ) муаллиф гапига кўчирма ловчиси бирикми мумкин: “Сиз толиб гапирмайсиз, қопиб гапирасиз”, — деган эди (Миртемир). Муаллиф гапи бош гап мақомида бўлгани боис (проф. Н. Махмудов, 1995) эргаш гапга нисбатан ҳоким ҳисобланади. Яъни, муаллиф гапи кесими-нинг валентлиги (бирикми имконияти) гап воситасида воқеланади. Шу зайл ундан (*деган эдидан*) олдин вергул тежаллади. Кўштирокча ҳам, тирега ҳам зарурат йўқ: *Сиз толиб гапирмайсиз, қопиб гапирасиз деган эди*.

Куйидаги матнда ёзу-нинг ўзи қисман тежамкорликни инобатга олган. Аввало, кўштирок тежалган. Айни пайтда матннинг биринчи қисмида сўн сўроқ белгиси ҳам қўйилмаган. Кўчирма сўроқ ҳам, матннинг кўчирма хабар экани англашаверади: *Жуда тўғри қилибсан деб унинг сўзини бўлди чол*.

Куйидаги матнда икки нуқта, чизик тежалиб, сўроқ ва ундов белгиси вергул билан алмаштирилди. Негаки, битта кўчирма сўроқ ва иккита буйруқ гап ёйиқ аниқловчи ўрнида келган: *Эъзохоннинг: — Кимдан бу хат?... Ҳай шохмасангиз-чи! Тўхтанг! деган сўзлари ҳавода қолди. (Х. Фулом), Эъзохоннинг кимдан бу хат... Ҳай шохмасангиз-чи, тўхтанг деган сўзлари ҳавода қолди*.

**5. Муаллиф гапи** кўчирма гап ичида келганда, амалдаги қоидага кўра, тиниш белгилари куйидагича бўлади: “Шуни ҳам айтиб қўяй, — сўзиди давоб этди Иброҳим-

Мансурнинг оғзидан чиқиб кетди: *Жўра бир ўтириш қилсам нима дейсиз? Абдулла деди: — Дилингда борини гапир!* (Н.Сафаров). *Абдулла деди: Дилингда борини гапир!* Баён ноҳисий бўлса, матн қисмларининг тартиби ўзгариб, кўчирма хабар (*сўроқ, буйруқ*) муаллиф гапи ичида келади: **Барча баробар она тилим ўлмайди деди**. Кейинги икки мисолда ҳам тартиб ушбу матндагидек бўлади.

**4. Кўчирма гап** турли стилистик талабларга кўра муаллиф гапининг ўртасида келиши мумкин. Куйидаги матннинг иккинчи қисми (кўчирма хабар) биринчи қисм ичида келгани боис икки нуқта, кўштирок ва тире тежаб қолинди: *Қизалоқ: “Отам сизни йўқлаётудди, зерикканлар...” — деди (Ш.Холмирзаев). Қизалоқ отам сизни йўқлаётудди, зерикканлар... деди*.

Куйидаги матнда эса икки нуқта, кўштирок, тире ва сўроқ белгилари тежаллади. Боғловчи(*деб*)дан кейин вергул ҳам ортиқча: *Меҳмонларнинг валентлиги (бирикми имконияти) гап воситасида воқеланади. Шу зайл ундан (деган эдидан) олдин вергул тежаллади. Кўштирокча ҳам, тирега ҳам зарурат йўқ: Сиз толиб гапирмайсиз, қопиб гапирасиз деган эди*.

Куйидаги матнда икки нуқта, кўштирок, вергул, тире тежалиб, сўроқ белгиси вергул билан алмашинади: *Шу пайт Канизак келиб: “Гапирасизми? Зиёдаҳон опам ҳам гапирсин деяпдилар, гапиринг”, — деди Сиддиқжонни секин туртиб (А.Қаҳҳор). Шу пайт Канизак келиб гапирасизми, Зиёдаҳон опам ҳам гапирсин деяпдилар, гапиринг деди Сиддиқжонни секин туртиб*.

Куйидаги матнда икки нуқта, чизик тежалиб, сўроқ ва ундов белгиси вергул билан алмаштирилди. Негаки, битта кўчирма сўроқ ва иккита буйруқ гап ёйиқ аниқловчи ўрнида келган: *Эъзохоннинг: — Кимдан бу хат?... Ҳай шохмасангиз-чи! Тўхтанг! деган сўзлари ҳавода қолди. (Х. Фулом), Эъзохоннинг кимдан бу хат... Ҳай шохмасангиз-чи, тўхтанг деган сўзлари ҳавода қолди*.

**5. Муаллиф гапи** кўчирма гап ичида келганда, амалдаги қоидага кўра, тиниш белгилари куйидагича бўлади: “Шуни ҳам айтиб қўяй, — сўзиди давоб этди Иброҳим-

мов, — ҳозирги замонда хотин бахтини эрдан кутмайди” (А.Қаҳҳор). Тежамкорликка риоя қилинса, кўштирок, муаллиф гапидан олдинги ва кейинги тире тежаллади: *Шуни ҳам айтиб қўяй, сўзиди давоб этди Иброҳимов, ҳозирги замонда хотин бахтини эрдан кутмайди*.

Амалда муаллиф гапидан кейин нуқта қўйилса, у вергул билан алмашинади. Бошқа тиниш белгиларининг тежалиши юқоридаги матнда гидек бўлади: *“Ма, — деди машинанинг қия очик эшигидан узатиб, — Гуландоминиям оғзи тегсин” (Ў.Ҳошинов). Ма, деди машинанинг қия очик эшигидан узатиб, Гуландоминиям оғзи тегсин*.

Кўчирма гапнинг биринчи қисмидан кейин ундов ёки сўроқ белгиси қўйилган бўлса, у ҳам, муаллиф гапидан кейинги нуқта ҳам вергул билан алмаштирилади. Кўштирок ва чизик тежалиб, матн охиридаги тиниш белгиси ўзгармай қолади: *“Тавба! — дейман. Бу қанақаси бўлди!” (Ш.Холмирзаев). Тавба, дейман, бу қанақаси бўлди!*

Микроматннинг бошқа турларида ҳам қисмларнинг ўзаро синтактик алоқаси, яхлитлиги боғловчи, боғловчи вазифасидаги сўзлар, боғловчиси фақат оҳанг ва ҳоказо ёрдамида амалга ошади.

Бабъан -у (-ю), -да юкломлари бириктирув боғловчи вазифасида (ва ўрнида) ишлатилади. Қўшимчалардан -са, -са ҳам, -(и)б, -гач, -ган эди, -ганда боғловчи вазифасини бажаради. Шу боис булардан кейин ҳам вергул тежаллади. Бу қоидага машҳур ёзувчилар риоя қилган: *Сиз она бўлсангиз мен отаман (А.Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари, 262-бет)*.

Амалдаги дарсликларда кириш сўз деб аталадиган *демак, шундай қилиб, шунингдек, умуман, аксинча, асосан, бинобарин, хусусан, чунончи* каби сўзлар микроматн таркибида боғловчи вазифасини бажаради. Улар матннинг ўзи қўлланган қисми билан олдинги қисмини боғлайди, олдинги қисмга ҳавола қилади. Шу сабабли бундай боғловчилардан кейин тиниш белгиси қўйилмайди. Улардан олдин нуқта қўйилади ёки тиниш белгиси тежаллади: *Эшик, дераза, пол, тўсин керакими? Демак, дурадгорлик устахонаси керак. (Н.Сафаров, Оловли излар). Эшик, дераза, пол, тўсин керакими? Демак дурадгорлик устахонаси керак. Ҳадеб бузилавергандан кейин у ёгини қовлайди, бу ёгини қовлайди, хуллас, ичида нимаси бўлса, барини билиб олади (С.Ахмад, Тоғ афсонаси)!. Ҳадеб бузилавергандан кейин у ёгини қовлайди, бу ёгини қовлайди хуллас ичида нимаси бўлса барини билиб олади*.

Микроматннинг бошқа турларида ҳам қисмларнинг ўзаро синтактик алоқаси, яхлитлиги боғловчи, боғловчи вазифасидаги сўзлар, боғловчиси фақат оҳанг ва ҳоказо ёрдамида амалга ошади.

## Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, матн қисмларини боғлаш вазифасини боғловчилар назарда тутилади. Бундай матнда тежамкорлик шундан иборат бўладики, фақат бириктирувчи (ва, ҳамда; билан, ҳам) эмас, зидлов (аммо, лекин, бироқ; ҳолбуки, айирув (ё, ёки, ёхуд, ёинки, ё... ё, гоҳ... гоҳ, дам... дам; бир... бир, баъзан... баъзан, хоҳ... хоҳ) боғловчиларидан олдин ҳам вергул қўйилмайди: Гапнинг тўғри лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гоҳ қаттиқ бўрон бўлади гоҳ кучли ёмғир ёғади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, миллий руҳ бедорлигига масъул бўлган олимۇ зиёилар (ёзувчи, адабиётшуно, тилшунос, журналист ва б.) ўз зиммасига юкланган ғоят шарафли вазифани бажарган бўлади.

**Ғани ЗИКРИЛЛАЕВ, Фироз САҒАРОВ**

*Газета — янгиликлар ойнаси, ўзаро фикр алмашиш маъноси; мунозарани кенгайтирувчи чорлов, муайян ҳуслос, тақлиф ва ечимларга эга ноанъанавий кундалиқдир. Профессор Бахтиёр Менглиевнинг «Ma'rifat»нинг шу йил 22 февраль сонидоги она тили таълимига доир қизиқ ва унза аксадодаларни ўқиб, дарсликлар бобида менда ҳам мулоҳаза туғилди.*

## Қимматга тушмасин

Муаллиф бугуннинг жуда муҳим масаласи ҳақида сўз айтиш билан бирга, тайёрланажак тест ва дарсликлар муаллифларига кўп гап айтмоқчи. Фан мураккабликни оддийлик билан тушунтиришни уқтирмоқчи. Биз эса... Дарсликлардаги “Эсланг”, “Билиб олинг” каби ундовлар қуруқ ёд олинсаю, моҳиятини ўқувчи тушунмаса, ҳаётий мисоллар билан таҳлил қилолмаса, бундай усулдан воз кечиш мақбул эмасми? Дейлик, мавзу қоидалар асосида очиб берилди. Машқлар, топшириқлар билан мустаҳкамланди. Ана боринг, унинг ёнида бошқотирма ҳам бор. Мавзу янаям тушунарли бўлсин учун бола ёшига мос ва хос рангли расмлар ёки сўз бойлигини оширишга мўлжалланган таянч сўзлар, топшириқли матн тузиш берилса, қандай соз. Албатта, ўтилган мавзулар билан боғлаб. Дейлик, “Жой номлари” мавзусини ўтишда республикамиздаги диққатга сазовор жойлар, “Атокли от” мавзусини ўтишда қадимий шаҳарларимиз ёки таникли шахсларнинг ҳайкаллари ва китоблар номини келтириш мумкин-ку. Юклама мавзусини ўтишда ҳам қоидадан кейин худди шундай тарзда ёки таққослашни ифодалайдиган суратлар, фанлараро боғлиқликка хизмат қилувчи топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.



Gazeta va gazetxon

Энди, дарсликлардаги айрим чалкашлик, мураккабликларга бироз тўхталсак. 6-синф она тили дарслигида *мобайнида* сўзини таркибга бўлиб, кўшимча қўйиш сўралган (2013 йил, 16-бет 43-машқ). Ҳолбуки, бу сўз таркибга бўлинмайди. Худди шу машқда *килаёт...* тарзида сўз берилиб, нуқтарлар ўрнига кўшимчани тиклаш сўралган. Ўз-ўзидан сифатдош талаб этилади. Бу ўрнида ўқувчи моҳиятдан -ган қўшимчасини ифодалаш мумкин, бироқ -ёвтан сифатдоши яхлит шаклга эга, таркибга ажралмайди. Шугина мисол болани чалғитади, билим савиясига салбий таъсир этади.

Дарсликлар давомида “Боғланлиши матн” тузиш уйга вазифа сифатида берилди. Аммо бу топшириқнинг тўлиқ изоҳи бироз-бир дарсликда келтириб ўтилмаган. Жой номлари мавзусига оид машқларда ҳам хатолик бор. Масалан, *Узунқуна, Янгичек, Жартепа* қишлоқ номими ёки маҳалла?! Бу 6-синф боласи учун мураккабликни вужудга келтиради. “Сўз ясовчи кўшимчалар” мавзусига оид *серқатнош* сўзи таркибга қандай бўлинади: *сер+қатнош*ми ёки *сер+қатна+н* тарзидами?

Аниқ нисбат мавзусига доир 100-машқ шартида “Берилган феълларни аниқ нисбатга қўйиб гап тузинг” дейилган. Ваҳоланки, сўзларнинг ҳаммаси аниқ нисбатда.

“Нарса оти ясовчи кўшимчалар ва уларнинг имлоси” мавзусида кириш топшириғи берилган. Шартга кўра, туб ва ясама сўзларга ажратилиш сўралган. Аммо барчаси ясама сўзлар. 114-машқда қоронғи тарзида берилган сўз имло луғатида қоронғу шаклида ифодаланган. Бу каби хар хилликлар ўқувчида иккиталаниши юзага келтирмайдими?

Шунингдек, “Шарт майли” мавзусида саволларнинг берилишига эътибор қаратинг: -сам, -сак, -сангиз кўшимчаларини феълларга қўшин ва маъноларини тушунтиринг. Ҳолбуки, шарт майли -са қўшимчаси воситасидагина шаклланади. Унда учта-тўртта кўшимча йўқ.

Бундай чалкашлик ва хатоликларни 5- ва 8-синф она тили дарсликларидида “Ундалма”, “Кириш сўзлар” махсус чизиклар билан берилиши мисолида бир-бирига зид эканида ҳам пайқаш мумкин. Қуйи синф ўқувчиси уларнинг тўлқинли чизик; тўғри чизик ва тўлқинли чизик билан белгиланишини ёзади. 8-синфда эса бу инкор этилади.

8-синфда тўлдирувчи мавзусида “Элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат” тўлдирувчи дея изоҳланган. Агар ушбу гап синтактик таҳлилга тортилса, гап тамоман бошқа тарзда — эга, кесимдан иборат бўлиб қолади. Шунингдек, моҳир ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб ҳикоятлар таҳлили(аниқловчи оид машқ)да ўқувчининг қийналиши аниқ. Чунки бола учун таҳлил ўта мураккаб. Бу қирқ беш дақиқалик дарсларга мувофиқ эмас.

Тўхталганларимиз фақат она тили дарслигининг маълум бир қисмидаги ҳолат, ҳолос. Бу каби чалкашликлар болани фандан бездиради. Ўзига ўзи қарши фикр билан улғайишига сабаб бўлади. Мактаб дарсликларидоги камчиликларни яхши ўрганиб, сўнгра қарор қабул қилишга ўтайлик. Тест тузишда ҳам бу каби жиҳатларни инобатга олайлик. Токи, кичик хатоликлар қимматга тушмасин...

**Дилбар НОРМУРОВОДА, Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси**

Ўзбекистон — кенг имкониятлар мамлакати. Бу иборани ҳақиқат экани ва ўз ўрнида топиб айтилгани сўнги вақтларда тадбиркорлар томонидан кўп эътироф этилмоқда. Пул топанман деган ишбилармон киши атрофга зийраклик билан қараса бас, бу гапнинг исботини дарҳол кўради. Биргина дала-дашда ёввойи ҳолда ўсувчи кўп йиллик бутасимон ковулнинг мўмай даромад манбаи экани ҳамнинг ҳам ҳаёлга келмайди. Ваҳоланки, мутахассислар фикрича, деярли суғориш ва меҳнат талаб қилмайдиган ковулнинг бир гектаридан мавсумида камида юз миллион сўм даромад олиш мумкин. Халқона тилда "тарвузчалар" деб аталадиган бу ўсимлик мевасига Европа бозорларида талаб жуда юқори.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 7-8 июль кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида ковул етиштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, экспорт қилиш механизмини яратиш, вилоятда ковулчиликни ривожлантириш бўйича ассоциация ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар бергани форишлик ишбилармон, "Forish eko sanoat" корхонаси раҳбари Бахтиёр Суюндиқов каби тадбиркорларнинг айни кўнглидаги гап бўлди. Президентимиз кўрсатмасига биноан Наманган вилоятида 3000 гектардан зиёд майдонда ковул етиштириш йўлга қўйилади. "Forish eko sanoat" корхонаси эса 2013 йилдан буён ковул экспорти билан шуғулланади.

— Ота-онамиз болалигимизда пишган ковул меваларини териб ейишни ўқитарди, — дейди Бахтиёр Суюндиқов. — Кейинчалик бунинг сабабини билишга, меванинг фойдали хусусиятларини ўрганишга астойдил киришдим. Кўпни кўрган одамлардан, мутахассислардан бу ҳақда сурштирдим. Турли илмий манбаларни кўздан кечирдим. Фанда ковулнинг 150 га яқин тури маълум экан. Ўзининг қатор фойдали хусусиятлари билан ажралиб турадиган бу ўсимликнинг юртида икки хили мавжуд. Улардан энг яхши ва сифатли нави — тошқовул асосан Зомин ва Фориш туманларида ўсади. Бу маълумотлар билан танишган, ҳаёлимда ковул мевасини чет элга сотиш фикри пайдо бўлди. Шундан сўнг хориждан ҳамкорлар изладик. 2013 йили илк бор Литва Республикасига 300 тонна ковул экспорт қилдик. Айни пайтда Туркия, Испания, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларга маҳсулот етказиб берялмиз. Бу йил 2 миллион АҚШ долларидек ковул мевасини экспорт қилиш бўйича шартнома тузганмиз. Шу кунларда 200 минг АҚШ долларига маҳсулот сотдик. Экспорт ҳажмини янада ошириш учун маданийлаштирилган усулда ковул етиштирялмиз. Яқин кунларда ковул мевасини шимши идишларда қадоқлашни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун зарур ускунани хориждан келтирамиз.

## Ковул — оёқ оспидаги хазина

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ковулнинг фандаги номи *Sarpgis spinosa L* экани қайд этилган. Халқимиз орасида бу ўсимликнинг яна бир номи кавар бўлиб, ковулдошлар оиласига мансуб ярим бута. Поя ва шоҳчалари ётик, барги тухумсимон, гули йирик, оқ ёки оч пуштиранг, меваси қизил этли, кўп уруғли бўлади. Крим, Кавказ, Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Ўрта Ер денгизининг тошлоқ ҳудудларида кенг тарқалган. Ковулнинг асосан сиркаланган ёки тузланган гунчаси ва мевасидан фойдаланилади. Меваси таркибида 18 фоиз оксил, 36 фоиз мой учрайди. Бахтиёр Суюндиқов фикрича, бу ўсимлик Ўзбекистоннинг барча тошшағалли паст тоғли, чўл ҳудудлари ва қир-адирларда ҳам кенг тарқалган. Мамлакатимизда ковул етиштириш учун Наманган, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилояти ерлари мос келади. Ўсимликни маданий ҳолда етиштириш, мевасини қайта ишлаш саноати энди-энди ривожланиб, соҳа тадбиркорлар эътиборини жалб қилмоқда.


— Кавар дона-дона гуллади, — дейди биология фанлари номзоди Марҳамат Матвафоева. — Гули ноҳоятда чиройли бўлиб, эрталаб очилади ва кечга бориб ёпилади. Кавар бир уяли гўшти реза мева беради. Меваси икки палладан иборат бўлиб, тарвузга ўхшайди. Кавар қўбсева ва курғоқчиликка бардошли ўсимлик. У қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришга яроқсиз, қуруқ ва кўмли ерда ҳам кўради. Бир жойдан 15 йилдан ортиқ давр давомида ўсиб чўқади. Каварни уруғидан, бутасининг бир қисмидан кўпайтириш ҳам мумкин. У март-апрель ойларида экилади. Эгатлари ораси 70 см бўлиши мақсадга мувофиқ. Парвариши ҳам оддий: вақ-

ти-вақти билан 6—10 см чуқурликда чопиқ қилиниб, ўталади. Курғоқчил кунлари суғорилади. Яшил, тухумсимон ва бодрингга ўхшаш мевалари пишгандан сўнг лолога ўхшаб очилади. Меваси тотли ва вилтаминларга бой.

Бахтиёр Суюндиқовнинг таъкидлашича, бута ёз бўйи қуртак чиқаради. Айнан шу гулқуртаклар териб олинади. Энг сифатли маҳсулот — кичкина, думалоқ ва қаттиқлигида терилган қуртаклар. Ҳосил йиғим-терими

реакциялар ва фалажликда наф беради. Марказий асаб системасини тинчлантиради. Қайнатмаси невроз, ревматизм ва шамоллаш туфайли пайдо бўладиган қақшатма ҳамда кучли оғриқларни босади. Қуртакларидан тайёрланган қайнатма иштахани очиб, юрак-қон томир фаолиятини меъерига келтиради. Ковул гулининг шираси ва қайнатмаси ярани тез биттиклигида терилган қуртаклар. Ҳосил йиғим-терими

лар асосида аниқлаган. Жумладан, лаборатория шароитида ковул ўсимлиги илдизидан стахидрин алкалоидини олиш усули 1968 йили Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари Х.Мухаммедова, С.Акрамов ва С.Юнусов томонидан ишлаб чиқилган. Бироқ хомашё сифатида ўсимлик илдизидан фойдаланишнинг табиатдаги захирасига зиён етказиши мумкинлиги боис 2013 йилдан бошлаб ковул ўсимлигининг ер устки қисмидан стахидрин алкалоидини ажратиб олиш технологияси бўйича илмий изланиш бошлаганмиз. Чунки шу йўл билан кавар табиий захирасига зарар етказмаган ҳолда йилга юз тонналаб ўсимлик поясидан фойдаланиш мумкин. Дастлабки тажри-



натмаси қичима, невроз, бруцеллез, сариқ касални даволашда фойдалидир.

ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти кичик илмий ходими, "Ликарид, стахидрин, донаксин, платифиллин алкалоидларининг технологияси" мавзусида тадқиқот олиб бораётган ёш олим Рўзали Ботировнинг таъкидлашича, ковул пояси алкалоидларга бой. Ўсимлик таркибида стахидрин, холин ва яна бир неча структураси аниқланмаган алкалоидлар мавжудлиги фанга маълум. Айниқса, стахидрин алкалоиди алкалоидлар йиғиндисининг тахминан 50 фоизини ташкил этади. Стахидрин алкалоиди қонни ивйтиш хусусиятига эга.

— Мамлакатимизда 1972 йили олим М.Мансуров олиб борган илмий изланишлар натижасида стахидрин хлоргидрат тузи венанда, тери остига ва оғиз орқали юборилганда қонни қуялтириб, тромбоцитлар агрегациясига таъсир кўрсатиши, шунингдек, стахидрин хлоргидрат тузи самарали гемостатик таъсирга эга экани аниқланган. Лунда қилиб айтганда, кўп қон йўқотилишининг олдини олади. Қатор олимлар айни шу хусусият турли ўсимликлар таркибидаги стахидрин алкалоиди ҳам борлигини илмий тажриба-

ба намуналари олиниб, Ўсимлик моддалари кимёси институтининг фармакология ва токсикология бўлими томонидан модданинг таъсири ўрганилди. Натижада стахидрин алкалоиди кам захарли ва қон ивишини 25—30 фоизга тезлаштириш аниқланди. Ҳозирги кунда ковул ўсимлигининг ер устки қисмидан стахидрин алкалоидини ажратиб олиш самарадорлигини ва унинг фармакологик фаоллигини ошириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Унинг натижасида мамлакатимизда маҳаллий хомашё асосида олинадиган яна бир янги дорини ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз тиббиётида қўлланиладиган, қон ивишига таъсир кўрсатувчи дори воситалари субстанцияси (асослари хориждан келтирилади). Ёш олим Рўзали Ботиров олиб борган тадқиқотлар натижаси амалиётга жорий этилса, бу каби муҳим фармацевтика маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқарилади. Дориларнинг таннархи арзонлашиб, беморларнинг экологик тоза, сифатли препаратларга бўлган эҳтиёжи таъминланади.

Аброр УМАРҚУЛОВ,  
"Ma'rifat" муҳбири

2017-yil 9-sentabr, № 72 (9033)

# Нажмиддин ан-Насафий — қаршилик буюк аллома

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарёга ташириги чоғида Абул Муъин Насафий зияратгоҳини кенг ва обод қадамжогога айлантириш, зияратчиларга зарур шароитларни яратиш, мазкур муборак масканда кутубхона ташкил этиш, унда буюк олим, илоҳийнинг етук мутахассиси Абул Муъин Насафий ҳазратларининг таржима ҳоли, ёзган асарларини ўрганиш ва таржима қилиб, халқимизга етказиш буйича тавсиялар берди.

Қадимда Насаф шаҳри илм-маърифат марказларидан бири бўлган. Бу маконда ислом илми тарғиботига ҳисса қўшган кўплаб алломага тугилган. Абул Муъин Насафийнинг шоғирдларидан бири Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (1067 йил, Насаф — 1142 йил, Самарқанд)дир. У ислом илоҳийотчи олими, ханафия мазҳабининг машҳур ҳуқуқшуноси, муҳаддис ва Куръони Карим шарҳловчиси бўлган.

Нажмиддин ан-Насафийнинг тўлиқ исми-шарифи: Нажмиддин абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ал-Ханафий ас-Самарқандийдир. Кунyasi абу Ҳафс, лақаби эса Нажмиддин бўлган. Фарбда Насафий ҳамда Самарқандий номи билан машҳур. Ҳаётини тақводорлик билан ўтказган Насафий ўз даврининг машҳур илоҳийотчи олимлари — Абу Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий, Абул Исро ал-Баздaviй ва Абу Али ан-Насафийлардан таълим олган. Шоғирдлари орасида кўпгина закиф инсонлар бор эди. Жумладан, ханафия фикҳи буйича машҳур ҳисобланган "Ал-Хидоя" асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғиний (вафоти 1197 йил) ҳам олимдан илм сирларини ўрганган.

Насафий ҳазратлари жуда кўплаб ислом дини уламолари, жумладан, Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нухий, Ал-Ҳасан ибн Абдул Молик ал-Қозий, Маҳди ибн Муҳаммад ал-Алавий, Абдуллоҳ ибн Али ибн Исо ан-Насафий, Аби ал-Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий, Хусайн ал-Қошгарий, Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий ва Али ибн ал-Ҳасан ал-Мотуридид асарларига шарҳлар ёзган.

Ўз даврининг етук, маърифатпарвар кишилари ан-Насафий ҳақида фикрларини баён этиб кетишган. Масалан, ас-Самъаний имом ан-Насафий ҳақида қуйидагиларни айтган: "Имом ан-Насафий машҳур ҳуқуқшунос, Ханафий мактабининг таниқли намояндаси ва араб адабиётининг билимдони бўлган. У фикҳ ва ҳадис буйича кўплаб асарлар ёзган".

Ибн ан-Нажжор: "У ажойиб ҳуқуқшунос, муҳаддис, адиб ва муфтий бўлиб, тафсири, фикҳ ва ҳадис китоблари ёзган".

Аллома ал-Марғиний: "Устозим менга "Мен 550 шайхдан ҳадислар эшитиб, уларни шарҳлаганман" деган". (Шайх Абдулқодир ал-Қурайший ал-Ханафийнинг "Ал-Жавҳар ал-мадия фи Табаот ал-Ханафия" китобидан).

Нажмиддин ан-Насафий 1142 йилнинг 2 декабрида Самарқандда вафот этган.

Насафлик буюк аллома



## Ajodlar merosi — bebaho hazina

илм излаб Ироқ, Ҳижоз ва Маккагача боради. Унинг дунёнинг турли худудларидан келиб, илм ўрганувчи минглаб шоғирдлари бўлган. Ҳатто Насафийнинг устозлари ҳам ундан турли масалаларда маслаҳат олиб туришган.

"Ал-ақида ан-Насафия" (Насафий ақидаси) — Ханафий мазҳаби нуктаи назаридан Аҳли-Сунна ва жамоа таълимотининг асосий тамойилларини жамлаган асар. Унга Шайх ад-Давоний (1501 йилда вафот этган), имом ат-Тафтазоний (1390 йилда вафот этган), Курсавий (1812 йилда вафот этган), Маржоний (ал-Ҳикма ал-болиға) (1889 йилда вафот этган) ва бошқа машҳур ислом олимлари шарҳ ёзишган. Абул Муъин ан-Насафийнинг "Табутират ал-ъадилла" асари бу китобнинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилган.

Имом ан-Насафийнинг араб тилида битилган, унча катта бўлмаган ҳажмдаги асари "Ал-ақида ан-Насафия" — бошқа ёзганлари орасида ўзига хос ўринни эгаллайди. Мазкур асар мусулмон дунёсида "Ал-ақида ан-Насафия" ёки "Ал-ақоид ан-Насафия" номлари билан шухрат топган. Ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Мана шу асар Ханафия мазҳаби издошлари орасида Мотуридид мактаби асосчиси имом ал-Мотуридиднинг гоёларини кенг тарқатишда муҳим аҳамият касб этган. Бу китобида муаллиф тушуниш ва ёдлаш учун осон бўлган шаклда Ханафия мазҳаби нуктаи назаридан Аҳли-Сунна ва жамоанинг асосий тамойилларини тўлаган.

"Ал-ақоид ан-Насафия" китобида яна талайгина шарҳлар ёзилган. Масалан:

- "Шарҳул Ақоид" — Муҳаммад ибн Аҳмад Исфохоний (вафоти ҳижрий 749 йил);
- "Ал — қалоид ала ал-Ақоид" — Шайх Жамолдин Махмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Кунувий (вафоти ҳижрий 770 йил);
- "Ал-Қавл ал-Вани шарҳ ақоид ан-Насафий" — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Зайниддин Қосим;
- "Хол ал-Мақоид фи шарҳ ал-Ақоид" — Шайх Муллазода Хиравий Хайр Зияний;
- "Ал-Фаварид ал-Қодирийа фи Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафия" — Абдул Қодир ибн Абу Наср Муҳаммад Идрис ибн Муҳаммад Махмуд Сулҳатий.

Имом Насафий 100 дан ортук асар ёзган, таассуфки, уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Мавлоно Имтиёз Али Урши Рампурий ўзининг Насафий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқот ишида алломанинг қуйидаги

асарлари номини келтиради:

**Тафсир ва Қироат буйича:**

"Ат-Тайсир фи ат-Тафсир" (Тафсир китоби) — араб тилида ёзилган тўрт томлик тафсир китоби бўлиб, Рампур (Ҳиндистон) шаҳридаги Ризоия кутубхонасида сақланади;

"Ал-Ақмал вал-Атвал фит-Тафсир" — алломанинг қадимга мансуб яна битта тафсир китоби;

"Рисола фил-Хатоъа (хато-лар) фи қиратил-Қуръан".

**Ҳадислар** (Пайгамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)нинг ҳаёти буйича):

"Китаб ул-Явақит фил-Мавақит — Аҳадис" (турли хил вақтларнинг қадр-қиммати ҳуқусида);

"Татвил ул-Асфар ли-Таҳсил ал-Ахбар".

**Фикҳ (исломий ҳуқуқшунослик):**

"Ал-Манзума фи ал-Фикҳ" — Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг "Ал-Жомил ас-Сағир" китобига баддий шаклда ёзилган шарҳ;

"Ал-Манзума ан-Насафия фи ал-Хилофият";

"Китабул Масариҳ фил-Фикҳ";

"Китаб ад-Даир фил-Фикҳ";

"Китаб Тилабул Талаба";

"Қайдул Авабид лима фикҳ мин таълифул Шаварид";

"Ал-Хисал фи ал-Масоил".

**Тасавуф ва ахлоқ илмига оид китоблар:**

"Рисола фил-Байани Мазохиб ал-Мутасаввифа";

"Ал-Мунбиҳат" (Бу асарнинг асл қўлёзмаси сақланиб қолган).

**Тарих ва таъриқ (тарихий ва биография асар)лар:**

"Таъдад аш-Шуйух ли-Умар" — Имом Насафийнинг ҳадис илми буйича устозларининг биографиялари;

"Китоб ул-Кинд би Маърифати Уламои Самарқанд";

"Тарихи Бухоро".

**Араб тили ва адабиёти:**

"Ал-Ашъор би ал-Мухтор мин ал-Ашъор" — 10 томлик катта асар;

"Ужалатул Нахшайид ли Дайфил Мағраби".

**Дайратул маъориф (энциклопедиялар):**

"Матлаин нужум ва Махмаул улум" — турли хил билимларни ўзида жамлаган қомусий асар бўлиб, унинг қўлёзмаси Рампур шаҳридаги кутубхонада сақланади.

**Ақоид (ислом ақидасига бағишланган асар):**

"Ақоид ан-Насафий" (Китобул-тавҳид вал-Ақоид).

**Умар РЎЗИҚУЛОВ,**

**Қарши тумани**

**"Фозилота" жомеъ**

**масжиди имом хатиби,**

**Саодат МЕЙЛИЕВА,**

**ЎЗМУ илмий тадқиқотчиси**

## "Ал-Ақоид ан-Насафия" китобидан

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**

Имом ан-Насафий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: "Имом аҳли (аҳл ал-Ҳақ) айтади: "Нарсаларнинг асл маъно-моҳияти — исботлангандай (собит бўлган). Улар ҳақидаги билимлар эса сафсатабозларнинг фикрларига қарамадан, амалга оширилиши мумкин бўлган билимлардир (мутаҳаққик). Инсонларда билимларни излашга бўлган сабаб учтадир: ҳиссиётларнинг соғломлиги, ҳаққоний хабар ва ақл. Бешта ҳиссиёт мавжуд: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш ва тери орқали ҳис этиш. Бу ҳиссиёт аъзоларининг ҳар бири ёрдамида атрофимиздаги нарса-ҳодиса ва уларнинг ҳақиқати билиб олинади.

Ҳаққоний хабар икки турга бўлинади: Улардан биринчиси — ишоншига сазовор бўлган (хабар мутаваतिри) хабар бўлиб, [Пайгамбаримизнинг бир нечта яқин издошларигагина чиқиб борадиган ҳадислар — хабарлар] у халқнинг оғзида ўз исботини топган, маъфий келишув ёки ёлгон мақсадларига ишлатилмаган; у (тава-тур) яъни, хабар издошларининг кўпчилигидан келган) зарурий билимнинг сабаби ҳисобланади (илми зарурий), худди олдинги даврлар ва узоқ мамлакатлардаги раҳбарлар(султонлар)нинг билимлари каби.

Иккинчи тури — Расулнинг келтирган (хабар ар-Расул) хабарлари, улар мўъжиза билан мустаҳкамланади. Яъни, улар таърибага асосланмаган, балки мушоҳадага (уй-фирка) асосланади (илми истидлол). Илми истидлолга асосланган билимлар ўз ишончилиги буйича зарурият юзасидан исботланган илмларга ўхшайди.

Ақл-идроқка келадиган бўлса, у ҳам билимларни эг-лаш учун сабаб ҳисобланади ва ундан аниқлик орқали таъкидланган нарсалар зарурият ҳисобланади. Хулоса орқали исботланган нарсалар эса (истидлол) эга бўлиниши мумкин бўлган нарса ҳисобланади (иктисоб).

Илҳом имонли инсонлардаги нарсаларнинг аслиги ҳақидаги билишнинг (маърифат) сабабларидан бири ҳисобланмайди.

Бизни ўраб турган дунё, борлик вақт оралиғида яратилган (муҳдас), чунки у турли хил жисм моддаларидан (аъён) ва акциденция(хосса-хусусият, туб моҳият)дан ташкил топади. Модда — ўз-ўзидан мавжуд бўлган нарса. У таркибий қисм бўлиб, бунда у жисм кўринишида ёки таркибий қисм бўлмасдан, бўлинмайдиган заррача — атом (жавҳар) ҳисобланади. Акциденция эса ўз-ўзидан мавжуд бўлмасдан, балки жисм ва атомларнинг белгилари, ранглари, борлиқнинг шакллари (аквон), таъм ва ҳид сифатлари кўринишида намоён бўлади.

Бу дунёнинг яратувчиси Аллоҳ таоло. У ягона, боқий, тирик, қудратли, барча нарсани билувчи, барча нарсани эшитувчи, барча нарсани кўрувчи, барча нарсани устун бўлган, жисм, атом (жавҳар) ёки акциденция ҳисобланмайдиган, тасаввур қилиб бўлмайдиган, чекланмаган, санаб бўлмайдиган, қисмларга бўлинмайдигандир. Аллоҳ табиат (моҳият) ва кўриниш (кайфия) билан таърифланмайди. У вақт ва замон билан бўлган тушунчалардан устундир. Бирор-бир нарса Унга ўхшайди ва бирор-бир нарса Унинг билими ва куч-қудратидан чиқиб кетолмайди...

(Охират дунёсида ўлимдан кейин қайта) тирилиш ҳақиқатдир ва (Қиёмат куни тарозидан яхши-ёмон амалларнинг) ўлчаниши ҳақиқат, номаи аъмол (амаллар китоби) ҳақиқат, (Қиёмат куни) савол-жавоб ҳақиқат, Ҳавзи қавсар ҳақиқат ва сирот (жаҳаннам устидан жаннатга элт-увчи кўприк) ҳам айна ҳақиқатдир.

Жаннатнинг борлиги ҳақиқатдир ва (жаҳаннам) оловининг борлиги ҳақиқатдир ва улар (жаннат ва дўзах) ҳозир ҳам мавжуд ва абадий мавжуд бўлади ва уларнинг соҳиб-лари (уларда яшовчи одамлар — халқ) ҳеч қачон йўқолиб кетмайди...

Пайгамбарлар ва Аллоҳнинг валийлари гуноҳ ишлар қилиб қўйган мусулмонларни шафот қилиши (Аллоҳдан гуноҳларини кечирлишини сўраши) турли хил манбалар билан исботланган. Гуноҳ ишлар қилган имонли кишилар, агар улар тавба қилмай ўлган бўлсалар-да, жаҳаннам оло-вида абадий қолмайдилар...

Пайгамбарларнинг келтирган хабарларида ҳикмат (до-нишмандлик) мавжуд. Аллоҳ Таоло ўз Пайгамбарларини инсоният учун яхши хабарлар, огоҳлантириш, бу ҳаётда ва диний ишларда уларга зарур бўладиган хабарларни етказиш учун юборди. Аллоҳ уларни нарсаларнинг оддий ҳолатларига қарама-қарши бўлган мўъжизалар билан мустаҳкамлади. Пайгамбарларнинг энг биринчиси — Одам алайҳиссалом, охиргиси эса Муҳаммад алайҳиссаломдир. Баъзи бир ҳадисларда уларнинг сони ҳақида айтиб ўтил-ган ва (уларнинг) номларини келтиришда бирор-бир сон билан чекланмаслик зарур, чунки Аллоҳ ўзининг каломи Куръони Каримда марҳамат қилади: "Биз Сиздан олдин (кўп) пайгамбарларни юборгандиримиз. Улардан Биз Сиз-га қиссасини айтганимиз ҳам бор, яна улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бордир..." ("Фофир" сураси, 40-оят). Уларнинг барчаси (Пайгамбарлар) Аллоҳ таоло-нинг элчилари бўлиб, У ҳақида хабарларни борлигига (ҳеч нарса қўшмасдан ва камайтирмасдан) одамларга ет-казишган. Пайгамбарларнинг энг афзали — Муҳаммад сал-лаллоҳу алайҳи васалламдир.

# Ихтирочи болалар эйратми

Бостонлик бўлгуси сиёсатчи Бенжамин Франклин ўспиринлик давридаёқ кенг оммага танилиб улгурганди. Энг қизиғи, у ўша пайтларда сиёсатчи сифатида эмас, балки ихтирочилиги билан ном қозongan. Болалигида нимаши қўлига тушса, уйига судраб келишга одатланган Бенжаминнинг ўз даврининг гаройиб кашфиёти — ластларни (судда сузиш учун икки оёққа кийиладиган мослама) ихтиро қилганига ишониш қийин. Аммо бу айна ҳақиқат.

Фақат Франклин яратган мослама оёқларга эмас, қўлларга кийиларди. Албатта, Бенжамин бир умр ихтиро қилишдан чарчамади, бироқ айнан ластлар ихтироси унга омад келтирганига шубҳа йўқ. Дарвоқе, АҚШда ҳар йили Бенжамин туғилган кун — 17 январь Халқаро ихтирочи болалар кuni сифатида кенг нишонланади. Шу кuni ўз кашфиётлари билан жаҳонни ҳайратга солаётган болалар бир даврага жам бўлади.

Бундай болалар ҳар бир даврда бўлган ва бўлаверади. Индиликда ақлбавар қилмас кашфиётлар, хусусан, пластинин, Брайль шрифти, батут (сакрогич) ва мевали муз ихтиролари жажжи болалар томонидан ўйлаб топилгани инсоният учун янгилик эмас. Зеро, бузун ўз иқтидорни, ақлий салоҳияти билан машхур бўлиб кетаётган кичкинтойлар талайгина.

## Смартфонлар учун энг тезкор зарядловчи қурилма

Телефон аппарати қувватининг айна керакли вақтда ўчиб қолиб, кишини хуноб қилиши смартфон фойдаланувчилари учун таниш ҳолат. Энг ёмони уни исталган жойда, тезда қувватлантириб олишнинг имкони йўқлигидир. Шу каби вазиятлардан безор бўлган калифорниялик 17 ёшли мактаб ўқувчиси Эйша Кхара 2013 йилда янги қувватлагич мослама ихтиро қилди.

Буни қарангки, қизчанинг кашфиёти смартфонларни бор-йўғи 20—30 сонияда қувватлантириш имконини беради. Жажжи кўнғизча шаклидаги қурилма гаджет батареясига жойлаштирилади. Интервьюларининг бирида қизалоқ асли нанокимё соҳасига қизиқиши, қурилмани эса шахсий зарурат туфайлигина яратганини айтган. Шундай бўлса-да, Эйша, аллақачон, «Google» компанияси ходими ва унинг кўпчиликлари нафи тегадиган ихтироси тез орада дунё бозорига чиқарилади.



## Галактиколёт

Москвалик Катя Трушева ҳам 13 ёшидаёқ шон-шухратга эришган болалардан. Қизалоқнинг айтишича, унинг хаёлини доим юлдузлар банд этган. Шу боис ҳали мактаб ёшидаги қизча ўтган йили ўз қўли билан яратган муғлақо янги турдаги космик кема моделини дунёга намойиш этди.

Катянинг ҳисоб-китобларига кўра, унинг «галактиколёт»и сайёраимиз юлдузларига яқин жойлашган Центавр Альфаси (Юлдузлар туркуми)гача учиб бориши керак.

Ўз ихтироси билан машхурликка эришган қизча ҳатто «NASA»дек нуфузли ташиқлотнинг навбатдаги халқаро конференциясида иштирок этиш учун таклиф қилинди. Бутун дунё олимлари диққатини тортган улкан халқаро тадбирда Катя ўз кашфиёти ҳақида гурур билан сўзлаб берди. У «галактиколёт»ни яратишга фақат илмий қизиқиш боис эмас, балки космосга сайхат уюштириш орзуси рўёбга чиқиши учун ҳам қўл урган.



## Саратонни аниқлайдиган тестер

Саратон касаллиги туфайли энг яқин дўстларидан бирини йўқотган 14 ёшли мактаб ўқувчиси Жек Андрак Мэриленд шаҳарчасида истиқомат қилади. Воқеадан қаттиқ таъсирланган ўспирин салкам етти ой лабораторияга қамалиб олиб, у ерда 2012 йилнинг оламшумул ихтироларидан бирига қўл урди.



Йигитча яратган нанотрубачали тестер эрта босқичдаги ўпка, ошқозоноти беэи беэи тухумдонлар саратонини аниқлаш имконини беради. Олимларнинг таъкидлашича, ихтирони тиббиётда қўллаш юқори афзалликларга эга бўлиб, ундан фойдаланиб, оддий таъхиллаш усулларига нисбатан 168 баробар тез ва самарали ишлаш мумкин.

Ҳозир 20 ёшли қаршилаган Жек «Intel» ҳамда Ватикан ҳукумати таъсис этган «Ўз даврининг ёрқин ақл соҳибларидан бири» муқофотлари соҳибидир.

## Ғилайликни даволаш усули

Россиялик Сергей Лукьянов ноёб иқтидор борасида Жек ва бошқа ёш кашфиётчилардан қолишмайди. 17 ёшли ўспирин 2014 йилда ғилайликни даволашнинг янги инновацион усулини олимлар эътиборига ҳавола этди.

Кимёгарлар оиласида воғга етган йигитчанинг келажига, аллақачон белгилаб қўйилган гандек эди. Аммо 8 ёшидаёқ физикага иштиёқи ортган болақай шу йўналишда машхурликка эришди. У яратган даволаш усулида беморга қўқ ва қизил тасвирларни кўрсатишга дастурланган махсус 3D-кўзойнақларидан фойдаланилади.

Мутахасссларнинг таъкидлашича, бу усул ёрдамида ғилайликни буткул даволаб бўлмаса-да, умидбахш натижаларга эришиш мумкин. Буни англаб етган ёш иқтидор эгаси ҳамон изланишда ва ўзи истаган муваффақиятга эришмағунига қадар, ўрганишдан тўхтамоқчи эмас.



## Тана ҳароратида ишлайдиган фонар

Инсон танаси катта миқдорда қувват ишлаб чиқариши ва 100 ватт лампочкани бемалол қувватлантириши мумкинлигини ҳамма ҳам билмайди. Аммо канадалик Энн Макосински ушбу назариядан унумли фойдаланди. Қизалоқ 2013 йилда ихтиро қилган гаройиб фонар тана ҳароратидан қувват олиб, қафт тафтида ёнади.

Эннинг айтишича, бу ғоя унинг хаёлига дугонаси билан суҳбатлашиб ўтирган чоғида электр токи ўчиб қолгани, у эса ҳали дарсларини тайёрлашга улгурмагани сабабли келган. Энн буни «Менинг кашфиётим сенсация бўлиши хаёлимга ҳам келмаганди. Мен шунчаки дугонамга ёрдам беришни истагандим», — дея камтарона изоҳлади.

Ҳозир қизалоқ нафақат фонар, балки бошда турадиган лампалар ихтиросини ҳам оммага тақдим этишга улгурди. Энди ушбу технология дунёни зарарли батареялардан халос этишда қанчалар асқотишини бир тасаввур қилинг-а. Айниқса, унинг тоғли худудларга фойдаси янаям кўпроқ тегади. Ёш қизнинг ихтиросидан илҳомланган катта олимлар тана ҳароратида ишлайдиган смартфон ва бошқа гажетларни ишлаб чиқаришга киришиб кетди.



## Йўл қодалари ахборот тизими

Йўл ҳодисаларидан ақсарият ҳолларда болалар жабр кўради. Бироқ эндигина 11 ёшга тўлган америкалик йигитча Нолан Ленард ўзини улар қаторига киритмайди.

Масалага жиддий ёндашган бола автоҳалокатларни юзга келтириши мумкин бўлган муҳим йўл белгиларини ҳайдовчилар шунчаки пайқамай қолишни тушуниб етди. Муаммони бартараф этиш чоралари ҳақида бош қотирган Нолан 2012 йилда унинг ечимини топди.

Болақай қўёш батареялари билан қувватланадиган «Streethawk» қурилмасини ихтиро қилди. Мослама йўл белгилари билан бир устунга осилиб, ҳайдовчи унга яқинлашганда, яқин орада йўл белгиси борлигидан огоҳлантирувчи хабар беришга мўлжалланган. Тунда қўёш нурлари бўлмаслиги ва бу тизим мукамал эмаслигиндан дарак беради. Нолан бир неча йиллар давомида дунё олимлари билан «Streethawk»нинг ана шу камчилигини бартараф этиш борасида иш олиб бормоқда.

Шунга қарамай, ҳозир унинг ихтироси кўплаб ривожланган мамлакатларда оммалашиб улгурди. Айтиш жоизки, ёш кашфиётчи яратган қурилма автоҳалокатлар сонининг сезиларли даражада камайишига хизмат қилмоқда.



## Океанни тозалайдиган «скат»

Олимларнинг айтишича, айна пайтда океанлар бўйлаб 13 миллион километрдан зиёд худудни пластик ва бошқа турдаги чиқиндилар қоплаган. Бу АҚШ худудидан бир ярим баробар кўпроқ, дегани. Муболагасиз айтганда, океанларни бу қадар катта ҳажмдаги чиқиндилардан одатий усул ёрдамида тозалаш учун эллик минг йилдан ортиқроқ вақт керак бўлади.

Аммо голландиялик 17 ёшли талаба Боян Слэнг улкан муаммонинг оддий ечимини топди. Йигитча бир неча йил аввал ташқи кўриниши скат балигини эслатувчи ўзгача усулда ишлайдиган платформа яратди. Қурилма бутилка ва пластикларни махсус тешик орқали сўриб олиб, уларни майдалайди-да, ўз омиборига жойлаштиради. Ғоя кўпчиликлари маъқул келди ва Боян 2015 йилнинг ўзида 2 миллион доллардан ортиқ пул ишлаб олди.

Тўғри, бу усул океанларни тўлиқ тозалаш учун камлик қилади, аммо ёш авлоднинг уммонлар озодлиги учун қайғураётгани эътиборли. Муҳими, «скат» модели тақомиллаштирилиш босқичида. Янги имкониятлар билан бойитилган қурилмани шу йилнинг иккинчи ярмида синаб кўриш режалаштирилган.



Жонажон Ўзбекистонимизда ҳам иқтидорли ва ихтирочи болалар кўп. Улар ўз вақтида жаҳон илм-фани ва адабиёти бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари эканини ўз ақлу заковати, яратувчанлик қобилияти билан исботламоқда.

Мўъжаз чангютикчи ва ракета моделини яратган наманганлик Раҳматилла Маҳмудов дейсизми, мураккаб саноат худудлари, конларда бемалол ҳаракатланиб, объектларни тасвирга туширадиган миниробот кашфиётчиси, навоийлик Фирдавс Шомуродов дейсизми, сенсор клавиатурали мусиқа асбоби ихтирочиси андижонлик Латифжон Маннопов дейсизми — барчаси ҳали ёш бўлишга қарамай, ўз ақл-идроки, интилиши билан дунёдаги барча тенгдошларига ўрناق бўлмоқда.

Қисқаси, ушбу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Аммо гап сонда эмас, сифатда. Бузун технология қанчалик ривожланган бўлмасин, ҳамон янгидан-янги қурилма ва машиш техникаларга зарурат юқорилигича қолмоқда. Демак, бу соҳада ўзбекистонлик ёшлар, алоҳида қобилиятга эга ўғил-қизларимиз ҳам янада юксак марраларни забт этиши, илм-фанда улкан янгиликларга қўл уриши учун имкон бор. Бу борада ёш ихтирочиларимизга омад тилаймиз.

Ирода ТОШМАТОВА  
тайёрлади.

2017-yil 9-sentabr, № 72 (9033)

## ЯНГИ КОСМИК КЕМА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

АҚШнинг "Sierra Nevada" компанияси илмий ходимлари "Dream Chaser" космик юк кемасини ёзги синовдан ўтказди. Бу ҳақда компаниянинг расмий сайтида хабар берилди.



Вертолёт ёрдамида ҳавога кўтарилган космик кема маълум баландликка етган, мустақил уча бошлади. Тест режимидаги синов-парвоз АҚШ авибазасидан амалга оширилди. "Dream Chaser"нинг кейинги уриниши 2017 йилнинг октябрь ойига белгиланди. Унинг тўлиқ ишга туширилиши эса

2020 йилга режалаштирилган.

Кема 2013 йилда ҳам синовдан ўтказилган бўлиб, ўшанда кўниш чоғида айрим камчиликлар рўй берган, хусусан, чап томон шасси тиргаги чиқмай қолиб, "Dream Chaser"га зиён етганди.

"Sierra Nevada"нинг "НАСА" билан тузган шартномаси(2016 йил)га кўра, янги космик юк кемаси 2024 йилга қадар ҳаракатланади. Ташқи кўриниши мини-шаттлни эслатувчи кема "Atlas 5" ёки "Ariane 5" станцияларидан учурилиши кўзда тутилган. Расмий манбаларнинг хабар қилишича, кейинроқ "Dream Chaser"нинг етти кишига мўлжалланган тури ҳам ишлаб чиқарилади.

## БАКТЕРИЯЛАР СИМФОНИЯСИ

Массачусетс технологиялар институти биологлари "микрoфлоралар симфонияси"ни яратишга муваффақ бўлди. "Gizmodo" нашрида хабар берилишича, лойиҳани амалга ошириш жараёнида гениталь соҳасига кирувчи, инсон танасида яшайдиган "Biota Beats" бактерияларидан фойдаланилган.

Олимлар оғиз, қўлтиқости, қорин ва оёқлардан олинган бактерияларни тўплади. Микроблар ўз секторининг ички қисмидаги махсус дискка грам-пластинка кўринишида жойлаштирилди. Сўнг уларнинг ўсиши ва кўпайишига имкон яратилди. Махсус алгоритмлар эса бактерияларнинг охириги ҳажми, ички секторда жойлашиши, пластинкалар марказидаги ҳолат ва уларнинг ичидаги бактериялар зичлигини баҳолаб борди. Олинган маълумотлар асосида овозли сигналлар яратилди.

Маълумки, микроорганизмлар инсон танасининг устки қисмида ҳам, ички организмда ҳам яшайди. Шу боис аъзолар фаолияти бевосита бактерияларга боғлиқ.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига қараганда, тананинг ҳар бир қисми ўзининг "бактериаль мусиқаси"га эга. Biotabeats.org сайтида ҳатто бактерияларнинг ғайриоддий мусиқасини тинглашингиз мумкин.



## "iPhone 8"НИНГ ЯНГИ ФУНКЦИЯСИ



Ҳаётнинг янги турида блоқировка тугмаси босилганида, "Siri" ассистенти овозли чақирувни ишга тушади. Бу ҳақда компания ходими Гильермо Рэмбо ўзининг "Twitter"даги саҳифасида маълум қилди.

Дастурчиларнинг айтишича, "iPhone 8"нинг янги вазифаси "HomePod" махсус коди ўрнатилгач, ишга тушади. Бу "Siri" чақирувини амалга оширадиган

"Home" тугмаси билан боғлиқ.

"HomePod" тизимида экран тагидаги ультратовушли "Touch ID" ҳар доим ҳам бир хил ишламагани боис, компания уни "Face ID" юз сканерига алмаштирди.

"Apple" корпорацияси 12 сентябрда бўлиб ўтадиган янги дастур тақдимидаги тақлифномалар тарқатишни бошлади. Пресс-конференцияда "iPhone 8"дан ташқари, "iPhone 7s" ва "7s Plus" смартфонлари тақдими ҳам ўтказилади. Шу кун компания оммани LTE-модулли "Apple Watch" соати ҳамда 4K ва HDR ёрдамида ишлайдиган "Apple TV" билан таништиришни режалаштирган.

## БОЛА БИЛАН БИРГА "ЎСУВЧИ" КИЙИМ

Британиялик муҳандис Райан Ясин ўзи яратган янги тежамкор мато учун саноат дизайни соҳасидаги "James Dyson Award" мукофоти билан тақдирланди. "Газета.ru" нашрининг хабар қилишича, мукофот эгасига тўланган пуллар

ҳисобидан болалар кийими ишлаб чиқарилади.

Олим яратган энига ва бўйига чўзилувчан, бироқ резина каби ингичкалашмайдиган матодан тикилган кийим намгарчиликка ҳам чидамли экан. Замонавий ма-



тодан 6 ойдан 36 ойгача ва икки-беш ёш оралигидаги болалар учун кийим тиқиш мумкин.

Қизиги, мазкур либослар бола билан бирга "ўсади". Муҳандис ўз ихтироси ҳақида лойиҳа сайтида хабар қиларкан, у шу тариха болалар кийимига доимий равишда пул сарфлаш ҳам камаяди, дея фикр билдирган.

Ҳисоб-китобларга кўра, биргина 2016 йилнинг ўзиде чиқиндиҳоналарга 30 минг тонна кийим-кечак ташланган. Шу жиҳатдан, "ўсувчи" кийим ота-оналар пулини ҳам тежайди, ҳам атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олади.

## ЦУНАМИ "ЮТИБ ЮБОРГАН" ШАҲАР

Тунисдаги миллий меросларни қидириш институти археологлари сув остида милoddан олдинги 365 йилда содир бўлган цунами оқибатида вайрон бўлган қадимги Неополис шаҳри харобаларини аниқлади.

"ScienceAlert" нашрида хабар қилинишича, тадқиқотчилар кўчалар, ҳайкаллар, шунингдек, балиқ соуси сақланадиган идишларни ҳам топди. Туниснинг шимоли-шарқидеги Набуля яқинида жойлашган вайрона худуди 20 гектаргача чўзилган.

Манбаларда келтирилишича, Неополис милoddан аввалги V асрда бунёд этилган. Неополис грек тилида "янги шаҳар" маъносини англатади. Тарихчилар шаҳарнинг бир қисми 8 балли ер силкиниши оқибатида йўқолган, деган фикрни ҳам илгари судумоқда. Экспедиция раҳбари Мунир Фантарнинг айтишича, шаҳар қадимги Римнинг савдо марказларидан бири бўлган.



Ирода ТОШМАТОВА ва

ЎзДЖТУ талабаси Мафтуна ПИРНАЗАРОВА тайёрлади.

## Эҳтиёкорлик

### ҳушёрликни тақозо этади

Об-ҳаво, иқлим ўзгариши кундалик ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу боис иситиш ва электр манбалари, ускуналаридан фойдаланаётган ҳар бир хонадон эгаси албатта эҳтиёт чораларини кўриши лозим. Эҳтиёткорлик эса ҳар дақиқада ҳушёр, огоҳ бўлишни тақозо этади.

Ўзи билан катта мусибат, ташвиш ва талофат келтирувчи ёнгинлар тасодифан содир бўлмайди. Назоратсиз қолдирилган дазмол, телевизор, электр анжомлари, газ плиталари оқибатида ҳар дақиқада ёнгин келиб чиқиш хавфи бор. Баъзида эса беғамроқ уй бекалари газ плитасида овқатни назоратсиз қолдириб, ёнгин сабабчисига айлиниб қолмоқда.

Аҳоли тураржойларида электр тизимида носозлик рўй берганида, уни ўзи билганча таъмирлаш ярамайди. Бу масалага маъсулиятсиз ёндашган киши охири-оқибат афсус-надомат чекиши турган гап. Аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлигига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келади.

Азиз юртдошлар! Ёнгинга қарши кураш, унинг олдини олиш ва албатта хавфсизлик қоидаларига риоя этишни унутманг. Зеро, маҳаллалардаги аҳоли тураржойлари ва халқ ҳўжалиги объектларининг ёнгин муҳофазасини таъминлаш ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг бурчимиз эканини ёдда сақлайлик.

Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ,

Мирзо Улуғбек тумани ЕХБ инспектори, кичик сержант

Эълон

Исламов Соҳиб Яхшибековичнинг 06.01.07-Мевачилик ва узумчилик ихтисослиги бўйича "Олманинг (Malus Mill) клоон пайвандтаглариде интенсив боғдорчилик учун сертификатланган кўчат етиштириш технологиясининг илмий асослари" мавзусидаги қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражасиде берувчи Ph.D.27.06.2017.Ох.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталлик илмий кенгашининг 2017 йил 16 сентябрь кун соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел./факс: (+998663) 234-33-20, 234-07-86; e-mail: sainfo@edu.uz.

## 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

### Муаллим

**Халқ таълими аълочили, фидойи педагог Абдуҳамид ҳожи Жонзоков узоқ йиллар (42 йил) Ғаллаорол туманидаги 57-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия берган. Айни кунда устоз тўқсон ёшга қоралаб, невар ва чеваралар оғушида турмуш ўртоғи Ибодат ая билан кексалик гаштини сурмоқда. Қуйида устознинг умр манзараларидан эътиборингизга ҳавола этамиз.**

#### Минг боланинг отаси

Ярим асрдан буён қад ростлаб турган мактаб ёнидаги замонавий ўқув биноси қишлоқ кўрғига кўрк кўради. Ярим асрдан буён қад ростлаб турган мактаб ёнидаги замонавий ўқув биноси қишлоқ кўрғига кўрк кўради.

Иш фаолияти давомида у маълум муддат қийинчиликларга дуч келди. Ушанда қишлоқ болаларини уйма-уй юриб, уларнинг ота-оналарига маърифат, илмининг аҳамиятини тушунтирди. Мактабнинг синфхоналари тор ва қоронғи эди. Болаларни ўқитиш учун етарли шароит йўқ ҳисоби. Лекин устоз болаларни қўлидан келганича ўқитди. Тарбиялади.

Муаллим турмуш ўртоғи Ибодат ая билан тўққиз фарзандни ҳалол меҳнати орқали едириб-ичирди.

— Мактаб мен учун мўтабар даргоҳ, — дейди устоз педагог. — Агар мендан қанча фарзандингиз бор, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан мингдан зиёд деб жавоб бераман.

#### Ҳожатбарор

Абдуҳамид ҳожи бобони ҳожатбарорлиги учун ҳам қишлоқ аҳли ҳурмат қилади.

Бир кун қўшниси қарз сўраб келади. Шу кун оила жамғармасида ортиқча пул йўқлиги боис ота тўнғич ўғлига:

— Бор ўғлим, Умар тоғандан пул сўраб кел, — дейди. Кейин қўшнисини хурсанд қилади.

— Ота, қўшнимизнинг ўзи тоғамдан қарз сўраса бўларди-ку, — дейди ўғли ҳайрон бўлиб.

— Унга тоған қарз бериб турса-ку дуруст. Лекин ҳожатини чиқармаса, кўнгли чўкиб, уйига қайтса, яхши бўлмайди-да, — дейди ота.

...Қиш кунларининг бирида молларга бериладиган ем-хашак тугаб қўшни қишлоқдан емиш олиб келишди. Уша кунлари қўшниси Карим амаки емиш сўраб келади.

— Бор ўғлим, қўшнингга беш-олти боғ беда бериб юборгин, — деди ота ҳар галгидек.

Тўнғич ўғил оғринади. Унга айтганини бергач, отасига қараб:

— Узимиз емиш сотиб олган бўлсак, яна бировларга берсак. Бу нимаси? — дейди норози оҳангда.

— Аввало, қўшни бировмас. Умид билан келган кишини ноумид қайтариш яхши эмас, болам.

#### Эл хизмати айб эмас

Маҳалладаги қўни-қўшиллар тўй-маърака қиладиган бўлса, Абдуҳамид ҳожи бобо ҳар доим хизмат қилишга шай туради. Бу баъзан оила аъзоларига эриш туюлади.

Бир кун қишлоқнинг нариги чеккасида яшовчи Холик амаки элга ош берадиган бўлади. Ҳожи бобо ўша кун сахармардондан амакинликка отланади.

— Ота, ёшингиз тўқсонни қоралаб қолди. Хизматга бунчалик ошиқмасангиз? — деди тўнғичи Айтмурод. — Тенгқурларингиз қатори, айтилган вақтда борсангиз бўлмайдингизми?

— Улар мени яхши танийди. Қолаверса, хизмат қилишнинг нима айби бор? Қишлоқдошларим мен учун бегона эмас, болам.

Шуниси қизиқи, баъзида ҳожи бобо тўй-хашамларга уй юмушларини бажаришда қийналган уст-боши билан кетаверарди. Шунда турмуш ўртоғи Ибодат момо:

— Янги тўнни қийиш эсингиздан қичқидими? — деса, устоз жилмайган қўни:

— Ҳечқиси йўқ. Мен тўйга хизмат қилишга боряпман, уй тўрига ўтиргани эмас, — дея чопонининг этагини қоқиб шошганича кетаверарди.

#### Қўшнининг ҳақи

Абдуҳамид муаллим ёзги таътил вақти оиласи билан кўч-кўронини уловларга ортиб, тоқ оралиғидаги чорбоғига чиқиб кетади. Утов тикиб то кеч қузгача қолиб кетарди.

Муаллимнинг ўғиллари Собиржонлар ўтовига қўшни эди. Унинг отаси бевақт вафот этган. Собиржон кекса онаси билан бирга яшарди. Қўшни болалар таътил кунлари сигирларни қўшиб боқишарди.

Муаллим зарурат туғилганда уларнинг молини бозорга ҳайдаб сотиб келар, кейин сўнги тийиничагина санаб момага беради. Шунда Холдон момо: “Ҳой Абдуҳамид, қўйсанг-чи шу хисобингни. Сенга ишонмасак, қўшни бўлиб нега яшаймиз?” дея миннатдор боқарди.

Тоғда бир неча туپ ўрик, гилос дарахти бўларди. Ковун ва ҳандалак ҳам экиларди. Ҳандалак пишиб етилган кезлари Абдуҳамид муаллим пайкалдан тўрттасини узиб олиб икки томонга ажратарди. Кейин Собиржонга: “Ўғлим, иккитасини аввал сен таллаб ол”, дерди. Мевалар ҳам шундай тақсимланарди.

Кўпчица нонуштага Холдон момо шокосада қаймоқ билан нон олиб келарди. Эртасига муаллим ҳам “қўшничлик” юзасидан такорларди. Шу тахлит улар бирга нонушта қилишга ўрганиб қолишарди. Кекса муаллим: “Қўшничлик — минг йилчилик. Баъзан орада камчиликлар бўлганда кечириб керак. Яхши қўшни — ота-онанг бўлади”, деб ўғилларига бот-бот эслатиб турарди.

**Абдулла САИДОВ,**  
Халқ таълими аълочили

### Зиё таратувчи

**Донишмандлар таъкидлаганидек, эл ичиди одамларнинг нақши, зиё таратувчи бўлиш, бу йўлда фидойилик кўрсатиш энг олий мезондир. Қашқадарёлик Севин Очилов ана шу мезонларни ҳаётининг шиорига айлантирган ўқитувчилардан.**



У бир неча йиллардан бери вилоят халқ таълими бошқармасида меҳнат қилади. Табиий фанлар методисти сифатида таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиб, методик хизматни самарали йўлга қўйишга интилиб келади. Моҳир педагог ижодкор ўқитувчи сифатида вилоят таълим тизимидаги янгиликлар, ижодкор ўқувчи ҳамда

ўқитувчилар тажрибасини матбуотда мунтазам ёритиб боради. Айниқса, ўқувчи билимидаги бўшлиқни тўлдирishi юзасидан таълим-тарбия тавсиялари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва кўргазмалари воситалар, дидактик материаллар, АКТ воситаларидан самарали фойдаланиш усуллари бўйича чиқишлари ҳамкасбларига методик кўмак бўлмоқда.

### Қудрат отанинг боғи

**Тошкентнинг Минор масжиди ёнидан ўтган киши салкам 300 метрча масофага экилан олма, олча, ёнғоқ, хурмо дарахтларига кўзи тушади. Бу ҳақда билганлар “Қудрат отанинг боғи” деб қўядилар фахр билан. Билмаганлар “Ким эккан бўлса ҳам умридан барака топсин!” дейди.**



Яхши инсонлар ҳақида гап кетгудек бўлса, аввало, уларнинг илм-фан, ҳунармандлик ривожига қўшган ҳиссаси, қурган иморат ва кўприкларни, яратган бод-роғларни, зиёли ва тадбиркор фарзандларни, шоғирдларни хусусида сўзлашадди. Қудрат ота Ахмеров қиёфасида худди шундай одамийлик хислатлари мужасам. Ўзининг 80 ёшини қарши олган олим ҳаёти ибрат олишга, эътироф этишга арзийдиган воқеа ва саналарга бой.

Тошкент шаҳридаги 22-умумтаълим мактабиде шoir Эркин Воҳидов, адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров билан бир синфда таълим олган Қудрат Ахмеров кимё фанига қизиқса-да, баъдий адабиёт дурдоналарига ошuftа бўлиб ўсди. Кейинчалик Тошкент давлат техника университетининг кимё-технология факультети талабаси бўлса-да, қўлидан қалам тушмади. “Тошкент ҳақиқати”, “Ўзбекистон маданияти”, “Тошкент оқшоми” газеталарида ўз мақолалари билан фаол иштирок этди. Фа-

культет профессор-ўқитувчилари, курсдошлари уни фахрлиниб “кимёгар журналист” деб аташарди.

Қудрат ака кўп мутолаа қилгани, илмий-оммабоп қўлланмаларни ўқиб-ўргангани учун кейинчалик 12 жилдлик Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг кимё бўлими материалларини тайёрлаш учун муҳаррирликка тақлиф қилинди. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун “Кимё лабораториялари асбоб-анжомлари” ўқув қўлланмасини, “Умумий ва ноорганик кимё”, “Умумий кимёвий технология” (проф. Т.Отақўзиев билан ҳаммуаллифликда), “Нефтни қайта ишлаш”, “Механик жиҳозлар” дарслик ва қўлланмаларини яратди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида домла “Кимёгар технологлар маскани” китоб-альбомини нашрдан чиқарди.

— Кимё фанлари доктори, профессор Қудрат Ахмеров нанокимё янгиликларидан доимий хабардор бўлиб келаётган етук олимлардан биридир. Мустақиллик йилларида фойдаланишга топширилган “Шўртангаз” нефть-газ, Устюрт мажмуалари, Қўнғирот сода, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи фаолиятини йўлга қўйишда кимёгар олимлар тақлиф-тавсиялари муҳим аҳамият касб этди. Улар орасида Қудрат Ахмеровнинг ўз ўрни бор. Биз ёш тақдирқотчилар у кишидан турли масалаларга маслаҳат олиб турамыз, — дейди “Умумий ва ноорганик кимё” кафедраси мудир вазифасини бажарувчи, домланинг шоғирди Абдуҳалил Жалилов.

**Хулқар ТҲЙМАНОВА**

### «Таълим ҳомииси» бўлган қурувчи

**Жаннатмақон юртимизнинг қай гўшасига борманг, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Ўз виқорини кўз-кўз қилаётган уй-жойлар, ижтимоий объектлар, академик лицей, касб-ҳунар коллежи биналарининг маҳобатини кўриб, қўли гул қурувчиларнинг машаққатли меҳнати га юксак баҳо берасиз, уларга тасанно айтасиз. Чинозлик Аҳмадали Худойбергенов ана шундай уста қурувчилардан.**

Ёшлигидан қурувчилик касбига меҳр қўйгани учун мактабни тамомлагач, ҳеч иккиланмай Тошкент политехника институтига ўқишга қиради. Олий таълим даргоҳини тамомлагач, иш фаолиятини Ангрэн шаҳридаги 423-қурилиш ташкилотиде усталиқдан бошлади. Одамийлиги, ҳалоллиги, ҳар қандай вазифани сидқиқилдан бажариши сабаб қисқа муддатда ҳамкасблари орасида обрў-этибор қозонди. Кейинчалик маъзур қурилиш ташкилотиде иш бошқарувчи, бош му-

ҳандис вазифасида ишлади. Шунингдек, Янгийўл, Чиноз шаҳарларида қўлаб биналарни қуришда жонбозлик кўрсатди.

У бошчилигидаги қурилиш ташкилоти 2016 йили Янгийўл туманидаги 10-мактаб биносини, 34-мактабнинг спорт залини муддатидан олдин қуриб, фойдаланишга топширди. 40 йиллик умрини ўзи меҳр қўйган қурувчилик касбига бағишлаган Аҳмадали Худойбергенов айни пайтда Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг қурилиш ва комму-



нал масалалари бўйича комиссия раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Қўли гул қурувчининг кўп йиллик меҳнатлари Халқ таълими вазири раиси томонидан муносиб эътироф этилиб, “Таълим ҳомииси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Мустақиллигимизнинг 26 йиллик тантанаси арафасида Президентимиз фармонида кўра “Шўхрат” медали билан тақдирланди.

**Шуқур БУРҲОНОВ**

2017-yil 9-sentabr, № 72 (9033)

# Янги бинолар — янги марралар

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли шаҳару қишлоқларимизда бирдек имкониятга эга спорт иншоотлари, муазам бинолар бунёд этилиб, аҳоли, айниқса ёш авлод вакиллари ўзлари севган спорт тури билан эмин-эркин шуғулланмоқда. Уларга маҳоратли мураббийлар спорт сирларини ўргатмоқда.



Ана шундай бунёдкорликлар Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кулоч ёйган. Хусусан, Мустақиллигимизнинг 26 йиллик тантаналари шукуҳи дилларда кезаётган айни паллаларда Қарши шаҳридаги «Насаф» марказий стадионининг капитал реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилгани футболсевар воҳа аҳли учун улкан соға бўлди.

Клуб бош ҳомийси «Шўртан нефт-газ» МЧЖ қурувчилари амалга оширган капитал реконструкция ишларидан сўнг стадион ўзгача қиёфа касб этиб, футбол ишқибозлари учун янада қулайликлар яратилди.

— Стадион реконструкцияси уч босқичда олиб борилди, — деди клубнинг медиа менежери Юнус Набиев. — Уйингоҳнинг умумий майдони энди 160 000 метр квадратга етказилди. Чет элдан келтирилган табиий иқлимимизга мос «Kentucky bluegrass» чимлари ётқизирилиб, парвариши учун хориж технологиясидан фойдаланилмоқда. Стадионнинг сизими аввал 16 минг киши бўлган бўлса, эндиликда ўриндиқлар сони 21 мингга етди. Меҳмонлар учун ажратилган махсус — 580 ўриндиқ ёнига яна 400 та жой қўшилди. Майдоннинг 4 тарафига 1200 донна замонавий ёриткич ўрнатилган. Эътибор берган бўлсангиз, майдон ичидаги аввалги йўлакчалар олиб ташланди ва темир тўсиқлар ўрнига қўшимча ўриндиқлар ўрнатилиб, майдонга яқинлаш-

тирилди. Таъмирлашнинг иккинчи босқичида майдон усти ёпилиб, манеж кўринишини олди. Энди футболчиларимиз ёз жазирасида қиш қаҳратонида ҳам бирдек машғул олди бораверади. Сўнгги босқичда майдоннинг шимолӣ минбари икки қават қилиб қурилиб, ост қисмида футбол мактаби ўқувчилари учун ўқув

## Istiqlol inshootlari

хоналари ва ошхона барпо этилади. Айни пайтда стадионда замонавий талаблар асосида муҳандислик-коммуникация ишлари олиб борилмоқда.



Қисқаси, бугун «Насаф» марказий стадиони жаҳон андозаларига жавоб берадиган стадионларимиздан бири, дея бемалол айтиш мумкин. Энди футболчиларимиздан мана шундай эътиборга муносиб жавоб бериб, ўзбек футбол шухратини жаҳонга ёйиш учун борлигини бахшида қилиш талаб этилади, холос.

Бундан ташқари, Косон туманида «Пудина—Кувончбек»

МЧЖ бунёдкорлари ёпиқ сузиш хавзасини қуриб, фойдаланишга топширгани ҳам ўқувчи-ёшлар учун чинакам байрам тўхфаси бўлди. Мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар ёпиқ сузиш хавзасидаги барча қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

— Бундай сув хавзаси вилоятимизнинг ҳар бир туманида бўлиши керак, — деди тadbирда сўз олган Чироқчи туманидаги 165-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Азизжон Исоқов. — Боиси, ақсарият ўқувчилар сузишга қизиқади. Замонавий шароитларга эга бўлган мажмуада машғулларда қатнашиш кишига ўзгача завқ бағишлабгина қолмай, саломатлиқни мустаҳкамлайди, иродани тоблаб, танани чиниктиради.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали маблағи ҳисобига барпо этилган ушбу муҳташам сузиш хавзасида юздан зиёд ўғил-қиз шуғулланади. Мажмуада ювиниш, кийиниш, дам олиш хоналари, шифокор ва мураббийлар хоналари мавжуд. Эътиборлиси, хавза суви табиий газ ҳамда қуёш батареялари ёрдамида исптиллади. Айни кунларда туманининг Пудина, Пўлати, Қорабайир, Гувалк, Эсат ва Мудин каби ўнга яқин қишлоқларидан сузиш машғулларига қатнаётган 176 нафар боланинг 64 нафари қизлардир. Косон тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли мазкур сузиш хавзасида айни пайтда вилоятдаги энг тажрибали мураббийлар ишламоқда.

— Бундай замонавий спорт маскани қосонлик ёшлар учун жуда улкан имконият эшигини очиб бермоқда, — деди сузиш бўйича мураббий Шерқўзи Умиров. — Мустақиллик байрами арафасида қад ростлаган мазкур сузиш мажмуасида ўқувчилар сузишнинг 4 та — брасс, баттерфляй, крол ва чалқанча сузиш усули билан шуғулланади. Ақбар Бердиев, Соҳиба Тоғаева каби ҳамкасбларим билан биргача қатнашган машғулларни олиб бораёلمиз. Яна бир неча йиллардан сўнг сув спорти бўйича қосонлик ёшлар орасидан ҳам чемпионлар етишиб чиқишига ишонамиз.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири



## ФУТБОЛЧИЛАРГА РЕКОРД МУКОФОТ

Саудия Арабистони валиахд шаҳзодаси Мухаммад ибн Салмон келаси йили бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма олган миллий терма жамоа аъзоларига 5 миллион саудия риали (1 миллион евродан зиёд) миқдорда мукофот ажратди.

«Ajel.sa» порталида ёзилишича, ҳали бирорта «ЖЧ—2018» иштирокчиси бўлган терма жамоа вакиллари бу қадар кўп миқдордаги пул маблағлари тўхфа этилмаган. Мамлакат спорт бошқармаси раҳбари Абдул Малик ал-Шайхнинг айтишича, саудиялик футболчилар бундан ҳам кўпига арзийдиган қаҳрамонлик кўрсатди.



Хабарингиз бор, араблар саралаш баҳсларининг сўнгги турларида Япония терма жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб, Австралияни ортда қолдирди.

## СОВРИН АҚШДА КОЛАДИ

Америкалик теннисчи Мэдисон Киз АҚШ очик чемпионати ярим финалида юртодoshi Кoko Вандевегени енгиб, финалга йўлланма олди, дея хабар берди «ТАСС».

Нью-Йорк шаҳрида давом этаётган турнирнинг 15-рақамли ракеткачиси Вандевеге(20)ни 1 соату 8 дақиқага чўзилган баҳсда 6:1, 6:2 ҳисобида мағлуб этди.



Бугун ўтказиладиган ҳал қилувчи учрашувда Мэдисон Киз бошқа бир юртодoshi Слоан Стивенсга қарши қортга чиқади. Эътиборлиси, бу икки теннисчи ҳам фаолиятида биринчи марта «Катта дубулға» туркумидаги турнир финалига чиқди.

Ўтган йили немис вакили Ангелик Кербер «US Open» голибаси бўлганди. Бу сафар у 1-турдаёқ мағлуб бўлди.

## ЖОШУА РИНГГА ЧИҚАДИ

Бокс бўйича IBF ва WBA таснифдаги жаҳон чемпиони, британиялик Энтони Жoшуа шу йилнинг 28 октябрида болгариялик Кубрат Пулeвга қарши рингга чиқади.

Бу ҳақида Э.Жoшуа "Instagram"даги саҳифасида маълум қилди. Муштлашув Уэльс пойтахти Кардиффдаги «Миллениум» стадионида бўлиб ўтади. Мазкур иншоотта 74500 дан зиёд томошабин сиғади. Жорий йилнинг июнь ойида шу йўнгоҳда футбол бўйича ЕЧЛ финали ўтказилганди.

Жoшуа 19 жанг ўтказиб, барчасида рақибларини нокаутга учратган. Болгар вакили эса 25 ғалабага эришган (13 нокаут) ва бир марта мағлуб бўлган.

## 19-БОСКИЧ АРАФАСИДА

Испанияда давом этаётган кўпкунлик «Вуэльта» велопойғаларининг 18-босқичида «Lotto Soudal» жамоаси аъзоси, бельгиялик велопойғачи Сандер Арми ғалаба қозонди.

«ТАСС»да ёзилишича, у Суансесадан Альто-де-Санто-Торриьогача бўлган 169 км.лик масофани 4 соату 9 дақиқага 39 сонияда бўлиб ўтишга эришди.

Иккинчи ўрин қозогистонлик спортчи Алексей Луценко («Астана»)га насиб қилди. Учинчи поғонага эса италиялик Жованни Висконти («Бахрайн-Мериде») кўтарилди.

Умумий ҳисобда британиялик Крис Фрум («Скай») етакчиликни сақлаб турибди. Мавсумдаги учинчи ва Гранд-турнинг якуновчи мусобақаси — «Вуэльта» 10 сентябрда Мадридда тугайди.

## 1 ОЧКОНИНГ ҚУДРАТИ

Испания терма жамоаси ҳужумчиси По Газоль Европа чемпионатлари тарихига киритилган энг сермахсул баскетболчилар рўйхатида биринчи ўринга кўтарилди.

«ТАСС»да келтирилишича, «Евробаскет—2017»нинг гуруҳ босқичи якуновчи учрашувида По мамлакат терма жамоаси таркибиде венгрияликларга қарши майдонга чиқиб, 1105-оқсонини қўлга киритди ва унчага 1104 очко тўплаган франциялик химоячи Тони Паркерни ортда қолдирди. Учинчи ўринда немис вакили Дирк Новицки (1052) қайт этилди.



П.Газоль Европа чемпионатида еттинчи марта қатнашмоқда. Бунгача у 2001 йилда бронза, 2003 ва 2007 йилларда кумуш, 2009, 2011, 2015 йилларда олтин медални қўлга киритган. Шунингдек, По Газоль 2006 йилда жаҳон чемпиони бўлган. Олимпия ўйинларида икки бор кумуш (2008, 2012) ва бир марта бронза медали (2016) соҳиб бўлган.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

## "Оқманғит" фолиб бўлди

Бўстонлик туманининг сўлим Қизилсув қишлоғида жойлашган «Мехрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳида Халқ таълими вазири, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Кўноқ стартлар» телевизион мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, иштирокчиларга муваффақият тилади.



## Bolalar sporti

Жамоалар 10 кун давом этган мусобақаларда футбол, волейбол, стол тенниси бўйича куч синашди. Шунингдек, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, иштирок-

чилар тоғ ва арчазорлар бағрида мазмунли хордиқ чиқарди.

Беллашувнинг якуний босқичига саккиз жамоа етиб келди. Мурасасиз қарама-қаршилиқларда Нукус туманидаги 1-умумтаълим мактабининг «Оқманғит» жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. Тошлоқ туманидаги 32-мактабининг «Учқун», Ғиждувон туманидаги 28-умумтаълим мактабининг «Хўжайяхон» жамоалари кучли угликни тўлдирди.

Фолиб ва совриндорларга диплом, медал ва эсдалик совғалар топширилди.

Жасур МАМАДАМИНОВ



## Миллий қадриятлар намоёиши

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайилгоҳ кўчаси эрта тондан одамлар билан жаҳум бўлди. Ўзбек миллий аъёнлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий таомлар, дорбозлар ва халқ уйинлари, либослар намоёиши, концерт дастурлари бу ерга келган ҳар бир иштирокчига олам-олам қувонч бағишлади.

— Жаннатмонанд юртимизга фақат байрамлар, тантаналар ва бугунгидек миллий қадриятлар намоёишига бағишланган фестиваллар ярашади, — дейди сурхондарёлик Сайдали Қурбонов. — Фестивалга оилам билан келдим. Бу ердаги "Водиллик дорбозлар" намоёиши дейсизми, осмонга учирилган улкан ҳаво шарларими ёки миллий адресимиздан яратилган санъат асари даражасидаги аёллар чопони, сумкалари, либосларини кўриб, мағрурланиб кетдик. Нега дейсизми? Булар ўзбекнинг асл удумлари, қадриятлари қанчалик улуғ эканининг исботи-да. Санъаткорларимиз чиқишларини айтмайсизми?! Тандирида тайёрланган хилма-хил таомларимиз-чи! Ўзбекнинг шоҳона оши жаҳон рекордини ўрнатди. Булар бизнинг боқий аъёнларимиз, ифтихоримиздир.

Фестиваль доирасидаги тадбирлардан бири — ўзбек миллий таоми — паловнинг тайёрланиши ва бу жараёнда Guinness World Records вакилларининг иштирокидир. Моҳир ошпазларимиз диаметри 4,2, ҳажми 8 метр куб ва баландлиги 1 метрдан ошқ бўлган қозонда 7 минг 360 килограммик палов тайёрлаб, жаҳон рекордини ўрнатди.

— Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилиш учун таомга тўрт тонна масаллик сарфланиши керак эди, — дейди Guinness World Records вакили Ричард Стенинг. — Бугун ушбу талаб ошиги билан бажарилди. Паловни тайёрлаш жараёнида Guinness World Records талабларига тўлиқ риоя қилинди. Палов тайёрлаш бўйича жаҳон рекорди ўрнатилди. Бу, албатта, Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилади.

— Тошкентга биринчи келишим ва у мени гўзаллиги билан мафтун этди, — дейди россиялик журналист Святослав Гордин. — Қўли гул хунармандлар ва рассомлар қадимий аъёнлар уйғунлигида яратган тасвирий ва амалий санъат асарлари менга жуда ёқди. Улкан қозонда етти тоннадан ортқ паловнинг тайёрланишини кузатиш ва уни татиб кўриш бахтига муяссар бўлдим.

Фестивалнинг асосий тадбирларидан яна бири Hyatt Regency Tashkent мўҳмоҳонасида ўтказилган «O'zbekim» китобининг тантанали тақдими бўлди.

Китоб-альбом билан танишган ўқувчилар ундаги нодир тарихий ва замонавий ҳужжатлардан халқимизнинг моддий ва номоддий бойликлари, мейморий обидалари, бой мероси ҳақидаги ва бошқа кўплаб маълумотларга эга бўлади. «O'zbekim» китоби лойиҳаси устида 10 га яқин сураткаш ишлаган. Китоб учун иш жараёнида олинган 10 мингдан зиёд суратдан 2 мингтаси танлаб олинган. Нашрдан 6 та панорамали сурат жой олган. Энг йирик фотокомпозицияда 250 дан зиёд киши тасвирланган. Улар Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари бўлиб, ҳар бири ўз миллий либосида акс эттирилган. Суратга олиш жараёнида керакли муҳитни яратишда 50 дан зиёд хунарманд-устанинг 500 дан ортқ амалий санъат намуналаридан фойдаланилган.

Фестиваль жараёни пойтахтимиз турли масканларида ўрнатилган 20 дан ортқ экранда намоёиш этилди. Шунингдек, "Milliy" телеканали, Guinness World Recordsнинг Facebookдаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиб борилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**  
**ЎЗА мухбирлари**

**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**



## Ma'rifat

TA'SIS  
ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус  
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бoш муҳаррир вазифасини бажарувчи  
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. G-815. Tiraj: 34151.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:  
qabulxona — 233-50-55;  
kotiбиyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqриз  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Hasan MO'MINOV.  
Navbatchi:  
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
O'ZA yakuni — 00.35 Topshirildi — 01.05